



UNODC

United Nations Office on Drugs and Crime
Regional Office for Central Asia



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization



**YOUTH AFFAIRS
AGENCY**



TASHKENT
STATE
UNIVERSITY
OF LAW

100 САВОЛГА



100 ЖАВОБ

(Аҳоли учун хуқуқий савол-жавоблар тўплами)

Мазкур тўплам Тошкент давлат юридик университети юридик клиникаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида тайёрланган ҳуқуқий оммабоп адабиётлардан бири ҳисобланади. Тўпламни тайёрлашдан асосий мақсад аҳолининг, хусусан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда ҳисса қўшиш, кундалик ҳаётда турли соҳаларда рўй берәётган ҳуқуқий муаммоларнинг ечимини савол-жавоб тарзида, кенг жамоатчиликка тушунарли шаклда етказишдан иборат.

Ушбу тўпламга киритилган савол-жавоблар Тошкент давлат юридик клиникасига онлайн ва бевосита келиб тушган мурожаатлар асосида танлаб олинган. Ўқувчиларга қулай бўлиши учун савол-жавоблар юридик клиникага энг кўп мурожаат қилинадиган масалалар бўйича тизимлашган ҳолда тузилди. Саволларга 2021 йилнинг август ойи ҳолатига кўра жавоблар тайёрланган.

Саволларингизни Тошкент давлат юридик университети юридик клиникасининг ижтимоий тармоқлардаги қўйидаги сахифалари орқали йўллашингиз мумкин:

Telegram манзили: @probonouz_bot

Facebook манзили: <https://www.facebook.com/tsullegalclinic/>

Instagram манзили: https://instagram.com/tsul_legal_clinic

Youtube манзили:

<https://www.youtube.com/channel/UC4uvuX9DE2fSt6KZUxihMNA/featured>

TikTok манзили: https://www.tiktok.com/@tdyu_yuridik_klinikasi

Ушбу нашрнинг мазмуни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ёки унинг фаолиятига ҳисса қўшадиган ташкилотларнинг қарашлари ёки сиёсаларини акс эттирамайди, шунингдек, ушбу нашрда қўлланилган ва тақдим этилган белгилар ва материаллар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси томонидан бирон бир мамлакат, ҳудуд ёки шаҳарнинг ёки унинг ҳокимиётининг ҳуқуқий мақоми ёки унинг чегараларини делимитация қилиш тўғрисида ҳеч қандай фикр билдириши назарда тутмайди.

Ушбу нашр тўлиқ ёки қисман ва ҳар қандай шаклда таълим ёки нотижорат мақсадларда, муаллифlik ҳуқуқи эгасининг маҳсус рухсатисиз, манбани тасдиқлаш шарти билан кўпайтирилиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ушбу нашрдан манба сифатида фойдаланадиган ҳар қандай нашрнинг нусхасини олишдан мамнун бўлади. Ушбу нашр БМТнинг Тинчликни таъминлаш жамғармаси томонидан молиялаштирилган “Фарғона водийсида ёшларнинг ижтимоий уйғунлиги” қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланган.

© Тошкент давлат юридик университети, 2021

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси, 2021

© Отабек Нарзиев, 2021

100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ

(Ахоли учун хуқуқий савол-
жавоблар тұплами)

МУНДАРИЖА

I. ОИЛА БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР	8
1- савол. Фарзандликка олиш	8
2- савол. Алимент тўлаш тартиби	8
3- савол. Алимент бўйича келишув.....	9
4-савол. Алимент миқдорини ўзгартириш	9
5-савол. Карантин шароитида алимент тўлаш	10
6 - савол. Ота-онага тўладиган алимент.....	10
7-савол. Алиментни ҳисоблаш.....	11
8-савол. Никоҳ бекор қилингандан кейин хотинни уй-жой билан таъминлаш.....	11
9-савол. Алимент миқдорини белгилашда эрнинг ҳуқуқлари	11
10-савол. Иш жойи эга бўлмаган шахс томонидан тўладиган алимент миқдори.....	12
 II. МЕҲНАТ ВА ПЕНСИЯ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД МАСАЛАЛАР	 13
11 – савол. Карантин вақтида фарзанди таътилда бўлган ходимларнинг ҳуқуқлари	13
12- савол. Фарзандлари таътилда бўлган ходимнинг меҳнат таътили олиш ҳуқуқи.....	13
13-савол. Меҳнат таътилини олдиндан олиш	14
14-савол. Карантин шароитида хоидимларни таътилга чиқариш	14
15-савол. Вояга етмаган шахслар қандай ишларга жалб этилиши мумкин эмас?.....	14
16- савол. Пенсияга чиққан фуқароларнинг ишлаш ҳуқуқи.....	15
17-савол. Ногирон фарзанди бор шахсларнинг пенсия чиқишидаги имтиёзлари.....	15
18-савол. Пенсия ёшига етган шахснинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқи.....	16
19- савол. Ички ўриндошлик ва унинг миқдори.....	17
20-савол. Сиртқи таълимда таҳсил оловчи талабанинг меҳнат қилиш ҳуқуқи.....	17
21-савол. Ўриндошлик асосидаги ходимнинг иш ҳажми.....	18
22-савол. Ишловчи оналарнинг боласи икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа олиш ҳуқуқи	18
23-савол. Мактабдаги ўриндошлик.....	19
24- савол. Ҳомиладорлик таътилига чиққан ходимларнинг иш жойи сақланиши	19
25-савол. Штат жадвали қисқарғанлиги сабабли ишдан бўшатилган ходимга компенсация тўлаш	20
26-савол. Дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик учун ҳақ олиш	20
27-савол. Мактабгача таълим ташкилоти ходимининг ўриндошлиги	21
28-савол. Пенсияга чиққан аёлларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи.....	22
29-савол. Яқин қариндошларнинг бир жойда ишлаши.....	22

30-савол. Мактаб ўқитувчиси билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш	23
31-савол. 10 йилга қисқарған ҳолда пенсия олиш	24
32-савол. Интизомий чора қўлланилган ходимга мукофот бериш.....	25
33-савол. Мехнат шартномаси тузишда иш берувчининг мажбуриятлари.....	25
34-савол. Субсидия берилмаслиги ходимга иш ҳақи тўламасликка асос бўладими?.....	26
35-савол. 55 ёшдан пенсияга чиқиш.....	26
36-савол. Пенсияга чиққандан кейин ишлаш.....	27
37-савол. Малака ошириш хизмат сафари ҳисобланадими?.....	28
38-савол. Кўп болали, ягона боқувчи бўлган ходимларни қисқартириш асосида ишдан бўшатиш.....	28
39-савол.”Декрет”га чиқарилдим шу тўғрими?.....	29
40-савол. Меҳнат таътилидан чақириб олиш.....	30
41-савол. Карантин даврида иш ҳақи тўлаш	30
42-савол. Карантин даврида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг берилиши	31
43-савол. 2 гурӯх ногирон, 13 ёшдаги болага карантин туфайли уйдан чиқмай қараб ўтирган ходимга бериладиган имтиёзлар	31
44-савол. Ўриндош ходимнинг меҳнат таътили учун ҳақ олиши	32
45-савол. Карантин муносабати билан ўз ҳисобидан таътил олиш	32
46-савол. Ҳомиладорлик ва туғиши таътилига кетган ходимнинг ўрнига бошқа ходимни ишга қабул қилиш	33
47-савол. Туғруқ таътилидан олдинги иш ҳажмини олиш ҳуқуқи	33
48-савол. Штат қисқариши асосида меҳнат шартномаси бекор қилинганда компенсация тўлаш	34
 III. МУЛКИЙ НИЗОЛАР	35
49-савол. Меросни тақсимлаш.....	35
50-савол. Эрнинг уйига хотиннинг эгалик ҳуқуқи	36
51-савол. Ер ва мулк солиғини мунтазам тўлаш мулк ҳуқуқини вужудга келтирадими?.....	37
52-савол. Ёлғиз оналарга уй-жой ажратишдаги имтиёз	37
53-савол. Мол-мulkни ҳадя ва васият қилиш тартиби ва жараёни.....	38
54-савол. Эримни ҳадя қилинган ҳовлимизга ҳаққи борми?.....	38
55-савол. Олти ой мухлат ичидаги ярашмасак мухлат тугаган пайтда мен эримдан фарзандим учун жой олиб беришни талаб қилсан бўладими?	38
 IV. АВТОТРАСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА КАРАНТИН БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР...	40
56-савол. Жамоат жойлари деганда нима тушунилади?.....	40
57- савол. Ҳайдовчиларга ҳаракатланиш тезлиги билан боғлиқ қандай ҳаракатлар таъкиқланади?	40
58-савол. Карантин қоидаларига риоя қилмаганлик учун белгиланган жаримани камайтириш мумкинми?	41

59-савол. Короновирусга чалинган ёки карантинда бўлган шахсларни камситганлик учун жавобгарлик.....	41
60-савол. Автотранспорт воситасига давлат рақами муддати.....	41
61-савол. Автотранспорт воситасини ишончномаси бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахслар	41
62-савол. Автомобилимни ёнимда ўтириб бошқа бирор бошқариши мумкинми?	42
63-савол. Автомототранспорт воситаси эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар	42
64-савол. Махсус товушли ишоралар берувчи мосламалар ўрнатиш қайта жиҳозлаш ҳисобланадими?....	42
65-савол. Ярим тиркамани тиркамага ўзгартериш қайта жиҳозлаш ҳисобланадими?.....	42

V. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАЛАРИ 43

66-савол. Бола туғилгани учун бериладиган нафақа (суюнчи пули).....	43
67-савол. Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам қанча муддатга тайинланади?.....	43
68-савол. Икки ёшга тўлмаган уч нафар фарзандим бор. учаласига ҳам нафақа олсан бўлади?	43
69-савол. Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдамнинг барчасини бир вақтда олиш мумкинми?.....	44
70-савол. Қандай оила кам таъминланган оила деб эътироф этилади?.....	44
71-савол. Кимлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчилар бўлиши мумкин?.....	44
72-савол. Ижтимоий нафақани узайтириш	44
73-савол. Вақтинча яшаш манзилим бўйича ҳам моддий ёрдам олиш	45
74-савол. Моддий ёрдам кимга берилади?.....	45
75-савол. Номида кўчмас мулк бўлган шахсга нафақа тайинлаш	45
76-савол. Номида эски автомобил бўлган шахснинг нафақа олиши.....	45
77-савол. Турмуш ўртоғи Миллий гвардияда ишлайдиган шахснинг нафақа олиши.....	46
78-савол. Ишсизлик нафақаси олиб турган шахснинг бола пули олиши	46
79-савол. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи шахснинг жами даромадларига ушбу пенсия кирадими?	46
80-савол. Даромад ҳақида маълумотноманинг йўқлиги нафақа олиш учун ариза беришга тўсқинлик қилмайди	47

VI. ТУРЛИ МАСАЛАЛАР 48

81-савол. Таълим кредити	48
82-савол. Талабанинг ҳарбий хизмат ўташи	48
83-савол. Хорижий университет талабасининг ўқишини Ўзбекистонга кўчириш.....	49
84-савол. Талаба – ходиаларга бериладгина имтиёзлар	50
85-савол. Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик	50
86-савол. Ҳокимият вакилининг қонуний талабини бажармаслик жавобгарликка сабаб бўлади	51
87-савол. Мъмурӣ жавобгарлика тортилган шахс судланган ҳисобланадими?.....	51
88-савол. “Бир йиллик” армияга кетаётган ходимга бериладиган кафолатлар.....	51

89-савол. Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш ҳоллари.....	52
90-савол.Банкка қўйилган омонатни олиш	52
91-савол. Чиқиндиларни олиб кетиш бўйича шартнома тузиш шартми?.....	52
92-савол. Топилма учун мукофот	54
93-савол. Тиббиёт ниқобини сотиш ва унинг солиқقا тортилиши	54
94-савол. Вилоят эндокринология марказига йўлланма олиш	54
95-савол. Телефонга келадиган ҳар хил смсларни тўхтатиш.....	55
96-савол. Ҳарбий хизматга борувчилар учун шартнома пулини маҳалла томонидан тўлаб берилиши	55
97- савол. Жамоат транспортида олдиндан ҳақ олиш	56
98-савол. Маъмурий баённома билан ҳукуқбузар таништирилмаслиги.....	56
99-савол. Ҳукуқшуноснинг юридик клиника очиши	57
100-савол. Солиқ органлари томонидан банк ҳисобварағини музлатиб қўйиш	57

I. ОИЛА БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

1- савол. Фарзандликка олиш

Васийлик ва ҳомийлик орқали фарзанд олмоқчи бўлсам лекин бола бошқа вилоятдан бўлса унда мен қаерга мурожаат қилишим керак ёки қанақа ҳужжатлар тақдим этишим керак.

Жавоб: Болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатига тўғри келиши ҳақидаги холосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан фарзандликка берилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 298-моддасига кўра Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади.

Демак, сиз фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига ариза билан мурожаат қилингиз керак бўлади.

2- савол. Алимент тўлаш тартиби

Менинг бир опам эридан ажрашган эди, битта фарзанди бор. Бола онаси билан қолган. Собиқ эри давлат ишида ишлайди яқинда эрига иш ҳақи тўланмайдиган таътил берилди. Алиментни тўлаш тартиби қандай бўлади энди?

Жавоб: Ўзи аслида, ҳозирги синов даврида ҳар қандай оилавий низолар барҳам топиши керак, биринчи навбатда, оталар ўз оиласига, аҳли аёлига ҳамда фарзандларига ғамхўрлик қилиши шарт бўлган вақт ҳозир.

Шунга қарамасдан, ушбу саволингизга жавоб бериб ўтамиш.

Оила кодексининг 139-моддасига асосан:

- алимент қарзи алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан ундирилади;
- иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромад етарли бўлмаганда, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг банклар ва бошқа кредит ташқилотларида ҳисобваракларида турган пул маблағидан, тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташқилотларга шартнома асосида ўтказилган пул маблағидан ундирилади, мулк ҳукуқининг ўтишига олиб келувчи шартномалар бундан мустасно;
- бу маблағ етарли бўлмаганда ундириш алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг қонун бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулкига қаратилади.

Юқоридаги қоидаларга асосан, жорий алимент тўловини ундириш учун қарздор (ота)нинг иш ҳақи етарли бўлмаса, ундирув унинг бошқа мол-мулкларига (масалан, омонатдаги пулларига, уйидаги телевизорига, мол-ҳолига ва хоказо) қаратилиши мумкин бўляпти.

Бу вазиятда, алимент олевчи она ундирув ишларини олиб бораётган Мажбурий ижро бюроси бўлимига ундирувни қарздорнинг бошқа мулкига қаратиш тўғрисида ариза ёзиши керак бўлади.

3- савол. Алимент бўйича келишув

Менинг укам бир нафар фарзандига алимент тўлаб келмоқда. Бизни бир хоналик уйимиз бор. Собиқ келинимиз шу уйни берсангиз адвокатим келишув битими тузиб беради нотариус орқали ва суд орқали алиментни тўлатиб беради деди. Биз адвокатим билан маслаҳатлашдим адвокатим келишув битими бўлса нотариус орқали бўлса бўлаверади кейин тиклаб ололмайди деди. Шунга сиз нима маслаҳат берасиз?

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-сон қарорига иловада, Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида” Низом мавжуд.

Ушбу Низом вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек вояга етмаган болалар, эр (хотин), собиқ хотин (собиқ эр) ва бошқа меҳнатга лаёқатсиз шахслар таъминоти учун алимент тўлаш мажбуриятини таъминлашда гаров шартномасини тузиш тартибини белгилайди.

Низомнинг 26-бандида белгиланишича, агар қарздорнинг иш ҳақи ёки бошқа даромади олдиндан тўланган алиментлар суммасига нисбатан кўпроқ миқдорда тўлаш имконини берса, ундирувчи алиментлар олдиндан тўланган давр якунлангунга қадар қарздор учун алимент мажбуриятларининг умумий тартибини белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур ариза суд томонидан суд қарорларини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш бўйича белгиланган тартибда кўриб чиқлади.

Алимент мажбуриятларини умумий тартибда белгилаш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилганда, олдиндан тўланган алимент тўловлари қайтарилмайди, умумий тартибда тўланиши лозим бўлган алимент ҳисобига ўтказилади. Бунда давлат ижрочиси томонидан мажбурий ижро чоралари умумий тартибда қўлланилади.

Демак, турмуш ўртоғингиз олдиндан тўланган давр якунлангунга қадар ҳам алимент мажбуриятларининг умумий тартибини белгилаш бўйича судга мурожаат қилишга ҳақли.

4-савол. Алимент миқдорини ўзгартириш

Оилас билан ажрашганман қонуний. Икки нафар фарзандим онаси билан туради. Собиқ хотиним турмушга чиқкан. Болаларимга алимент тўляяпман. Ўйланганман. Икки нафар фарзандим бор. Алимент миқдорини ўзгартириш имконими?

Жавоб: Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Демак, алимент бола вояга етгунга қадар, яъни 18 ёшгача тўланади.

Шуни алоҳида айтиш керак, вояга етмасдан туриб тўлиқ мумомала лаёқатига эга эканлиги (мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланиши) суд қарори билан тасдиқланса, ёки аёлнинг бошқа никоҳга ўтиши муносабати билан боланинг насаби ўзгартирилса, (бунда бола янги оиласидагилар тарафидан фарзандликка олинган ҳисобланади) алимент тўлаш ҳаракатлари тугатилиши мумкин.

Демак, собиқ турмуш ўртоғингиз бошқага қонуний никоҳни расмийлаштириган бўлса алиментни тугатиш талаби билан судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Агар суд томонидан рад жавоби берилган тақдирда бошқа фарзандларингиз кам таъминланиб

қолаётганлигини асос қилиб алимент миқдорини камайтириш бүйича даъво аризаси киритишга хуқуқингиз бор.

5-савол. Карантин шароитида алимент тұлаш

Алимент түловчилар карантинни баҳона қилиб түловни тұхтатса, ёки иш ҳақим йўк, деб баҳона қиласа алимент ундириш тартиби қандай бўлади?

Жавоб:

- Оила кодексининг 139-моддасига асосан: алимент қарзи алимент тұлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан ундирилади;
- иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромад етарли бўлмаганда, алимент тұлаши шарт бўлган шахснинг банклар ва бошқа кредит ташқилотларидағи ҳисобваракларида турган пул маблағидан, тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташқилотларга шартнома асосида ўтказилган пул маблағидан ундирилади, мулк ҳуқуқининг ўтишига олиб келувчи шартномалар бундан мустасно;
- бу маблағ етарли бўлмаганда ундириш алимент тұлаши шарт бўлган шахснинг қонун бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулкига қаратилади.

Шунингдек, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги қонуни 45-моддасида ихтиёрий равишда ижро этиш учун давлат ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини кўллаш учун асос бўлиши белгиланган. Бу агарда алимент тўловчи ўз вақтида алимент мажбуриятини бажармаса, ушбу қарздорликни ундириш мажбурий тартибда амалга оширилади, деганидир.

Юқоридаги қоидаларга асосан, жорий алимент тўловини ундириш учун қарздор (ота)нинг иш ҳақи етарли бўлмаса, ундирув унинг бошқа мол-мулкларига (масалан, омонатдаги пулларига, уйидаги телевизорига, мол-ҳолига ва ҳоказо) қаратилиши мумкин бўляпти.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, сизга ундирув ишларини олиб бораётган Мажбурий ижро бюроси бўлимига ундирувни қарздорнинг бошқа мулкига қаратиш тўғрисида ариза ёзишни тавсия қиласиз.

6 - савол. Ота-онага тўладиган алимент

Ота-онага ҳам алимент тўланадими?

Жавоб: Қонунчиликка кўра, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари карамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, ота-она талабига кўра таъминот суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Бунда ота-онага алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

7-савол. Алиментни ҳисоблаш

Алимент қандай ҳисобланади?

Жавоб: Алимент тўловчининг тўлайдиган алимент миқдорини mib.uz калькуляторида ҳисоблашингиз мумкин.

Бунинг учун mib.uz орқали алимент калькулятори бўлимига кириб, керакли маълумотларни тўлдирсангиз канча алимент олишингизни ёки тўлашингиз лозимлигини чиқаради.

8-савол. Никоҳ бекор қилингандан кейин хотинни уй-жой билан таъминлаш

Мен турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Бир нафар ўғлим бор алимент оламан. Бир ярим йилдан бери менга ўғлимга уй ажратиб берадими? Яшашига уйим йўқ, ота-онамникига борай десам укам уйланган.

Жавоб: Ҳурматли фуқаро агарда турмуш ўртоғингиз номида уй-жой бўлсагина сизга улуш ажратиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Оила кодекси 23-моддасига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ кайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Шунингдек, эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуқка эга бўлади.

Бундан ташкири мазкур кодекс 25-моддасига кўра никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг киймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, кайта куриш, кайта жиҳозлаш ва бошқалар) кўшилгани аникланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

Ушбу кодекс 28-моддасига мувофик эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниклашда, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Хулоса ўрнида, шуни айтиш мумкинки, агарда турмуш ўртоғингиз номида бўлган ҳар қандай мол-мулкда (бундан ҳадя, текин олинган, совға асосидаги мулклар мустасно) сизнинг улушингиз мавжуд бўлса, сиз фуқаролик ишлари бўйича судга умумий мулкни бўлиш бўйича даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин. Агарда даъвойингизни қаноатлантируса, сизга улуш ажратиб берилиши мумкин.

9-савол. Алимент миқдорини белгилашда эрнинг ҳуқуқлари

Ассалом алейкум, эр-хотин бир корхонада ишлаймиз. беш фарзандимиз бор. Хотиним етишимовчиликдан ажрашиб алимент олиш ҳақида жанжал қиляпти. Алимент олаётган хотинлар зўр яшаяпти деб гапимга қулоқ солмаяпти ва гапидан қайтмаяпти. Менга алимент қанча миқдорда белгиланади? Алимент миқдорини белгилашда менинг қандай ҳуқуқларим бор?

Жавоб: Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир кисми; икки бола учун – учдан бир кисми; уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий ахволини ва бошқа эътиборга лойик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Агар алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкинлигини сизга малум қиласиз.

10-савол. Иш жойи эга бўлмаган шахс томонидан тўладиган алимент миқдори
Ассалому алейкум. Ҳозирги кунда бир бола учун канча алимент пули тўланади? Эшишишимча, алимент тўловчи шахс бирор жойда ишласа ишламаса энг кам иш ҳаққининг тўртдан бирини тўлалаши керакми?

Жавоб: Хурматли фуқаро саволингизни ўрганиб чиқиб, қонунчилик асосида жавоб берамиз. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддасига кўра агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир кисми; икки бола учун – учдан бир кисми; уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдорида ундирилади.

Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий ахволини ва бошқа эътиборга лойик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, бир нафар вояга етмаган фарзанд учун ота ёки онанинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг $\frac{1}{4}$ кисми миқдорида алимент ундирилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алиментундиришига оид ишлар бўйича қонунчиликни кўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорига мувофик алимент ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи чиқкан пайтда қарздор ҳеч каерда ишламаса ёки унинг иш ҳақи ва бошқа даромадларини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса, унга нисбатан алимент Ўзбекистон Республикасида ўрнатиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Хулоса қиладиган бўлсақ, сиз айтгандек алемент аник миқдорда чиқмасдан у қарздорнинг иш фаолиятига боғлиқ равишда ҳисобланади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида ўрнатиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори ҳар бир вилоятда турли хилда белгиланади ва бу миқдор ўзгариб туради.

II. МЕҲНАТ ВА ПЕНСИЯ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД МАСАЛАЛАР

11 – савол. Карантин вақтида фарзанди таътилда бўлган ходимларнинг ҳуқуқлари

Ассалому алейкум. Саволим ҳозир карантин пайти фарзандим таътилда. Мен давлат корхонасида ишлайман. Фарзандимга қараши учун ишхонадан таътил сўрасам ишдан бўшашиб ҳақида ариза ёзинг дейишмоқда. Илтимос маслаҳат беринг.

Жавоб: “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли фармонга мувофиқ:

- коронавирус инфекцияси билан заарланиши ёки заарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртacha ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади;
- коронавирус инфекцияси билан заарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиш тақиқланади.

Амалдаги меҳнат кодекси 150-моддасига кўра ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ушбу нормадан кўриниб турибдики, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил фақат ходимнинг розилиги билан унинг аризасига кўра берилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига кўра меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолати келтирилган бўлиб, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юқоридаги нормалардан кўриниб турибдики, иш берувчи сизнинг розилигинги билан иш ҳақи сақланмаган таътил бериши лозим. Унинг талаблари асоссиз ва қонунга зид. Қолаверса, фарзанди мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчи ёхуд бошланғич синф ўқувчиси ҳисобланган ишлайтган ота ёки онага меҳнат таътили берилади. Бундай ҳолатда меҳнат таътили иш берувчи билан аввалдан тасдиқланган графикдан қатъий назар берилади.

12- савол. Фарзандлари таътилда бўлган ходимнинг меҳнат таътили олиш ҳуқуқи

Ассалому алейкум. Синглим 2 ой аввал буён туман Болалар шифохонасига ҳамшира бўлиб ишга кирган эди. З нафар вояга етмаган фарзандлари бор. Катта қизи 5-синфда, ўғли З-синфда ўқиёди. Кенжаси 5 ёши мактабгача таълим муассасасига боради. Айни кунларда барча фарзандлари таътилда, уйда. Шу сабабли, уларга қараши учун синглим ҳам ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига чиқса бўладими?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартағи 8-2020/Б-сон буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан – карантин вақтида меҳнат таътили боғчалар

ва мактаблар фаолияти тўхтатилган даврда боғча тарбияланувчиси бўлган боланинг ва мактабнинг бошланғич синф (1-4-синф) ўқувчисининг ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахс, висий, ҳомийга ходимнинг хоҳишига кўра таътиллар жадвалидан қатъи назар берилади. Бунда, ходимга биринчи иш йили учун 6 ой ишлангандан кейин таътил беришга оид талаб татбиқ қилинмайди.

13-савол. Мехнат таътилини олдиндан олиш

Ассалом алайкум, сизларга битта саволим бор эди. Мен 18.01.2019 йилда ишга кирганман. 2019-2020 йй. даври учун июль ойида меҳнат таътилга чиққанман. Мен 2020-2021 йй. даври учун меҳнат таътилига чика оламанми.

Жавоб: Ходим бир иш йилида бир марта меҳнаттаътилига чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши лозим. Мисол учун Сизда иш йили 18.01.2019 й.-18.01.2020 й. ҳисобланади. Сиз ушбу иш йили учун 2019 йил июль ойида меҳнат таътилига чиққансиз. Кейинги иш йили учун Сиз таътиллар жадвалига мувофиқ, айтайлик, 2020 йилнинг март ойида меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эгасиз. Таътиллар жадвали календарь йилнинг бошида иш берувчи билан касаба ўюшмаси келишувига биноан ишлаб чиқилиб тасдиқланади. Таътиллар даври иш берувчи ва ходим келишувига кўра ўзgartирилиши мумкин.

14-савол. Карантин шароитида хоидимларни таътилга чиқариш

Мен олий таълим муассасида Кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлайман. Коронавирус COVID-19 пандемияси туфайли университетимиз талабаларига жавоб бериб юборилди. Ректоримиз менга ўқитувчиларнинг таътили масаласида топшириқ берди. Нима қилсан тўғри бўлади. Бюджетни ҳам ўйлашимиз керак экан. Ўқитувчилар нима қиласи энди?

Жавоб: Мазкур ҳолатда вазиятдан чиқиш учун сизга бир нечта қонуний йўллар мавжуд.

Биринчи вариант: Меҳнат кодексининг 143-моддасига асосан ходим билан келишиб унга йиллик асосий таътилни тўлиқ яъни ҳаммаси ёки ёзма аризага асосан Меҳнат кодексининг 146-моддасига мувофиқ қисмларга бўлиб беришингиз мумкин. Мазкур ҳолат сиздан талаб қилинадиган асосий масала ходим билан келишишдир. Зеро меҳнат ҳуқуқида ўзаро келишувга устуворлик берилган.

Иккинчи вариант: Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил беришингиз мумкин. Меҳнат кодексининг 150-моддасига асосан, таътилнинг давомийлиги иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишув асосида белгиланади. Унинг максимал муддати 12 ойлик давр мобайнида 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Учинчи вариант: Бугунги кунда илм-фанга алоҳида эътибор берилаётган даврда Меҳнат кодексининг 258-моддасига асосан ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан қўшиб бораётган шахсларга докторлик диссертациясини якунлаш, дарслик ўқув-услубий қўлланмаларни ёзиш учун уч ойгача ва олти ойгача бўлган муддатга ижодий таътил беришингиз мумкин.

Йиллик асосий таътил ва ижодий таътил олган даврда ходимларнинг ўртача иш ҳақи ва лавозими сақланади. Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар даврида ходимга пул тўланмайди.

15-савол. Вояга етмаган шахслар қандай ишларга жалб этилиши мумкин эмас?

18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан қандай ишларда фойдаланиш тақиқланади?

Жавоб: Қўйидаги ишларда вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмайди:

- ер ости, сув ости, хавфли баландликда ёки ёпиқ мухитда бажариш;
- хавфли механизмлар, асбоб ва ускуналар билан боғлиқ бўлган;

- хавфли буюмлар ёки жараёнлар, ҳарорат, шовқин ёки тұлқынланиш даражасининг юқори таъсирида вояга етмаганларнинг соғлиғига заарар етказишга олиб келадиган заарарлы шароитлардаги;
- оғир меҳнат шароитларида бажариладиган (иш вақтининг давомийлиги узок бўлган, тунги ишлар ва бошқалар билан боғлиқ бўлган);
- ўзининг хусусияти билан бундай тоифадаги ходимларнинг ахлоқ-одобига заарар етказадиган;
- белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтариши ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишларда.

18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари билан боғлиқ ишлар рўйхати ва 18 ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормалари чегараси Бандлик ва меҳнат муносабатлари ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан белгиланади.

16- савол. Пенсияга чиққан фуқароларнинг ишлаш ҳуқуқи

Онам нафақага чиқиб ишлаб юрибди, лекин пенсияга чиқасиз деб бошлиқлари қўймаяпти. 60 ёшга чиққанча ишлашга хаққилари борми?

Жавоб: Ҳа, албатта давом эттиришлари мумкин. Бу борада, онангизни меҳнат фаолияти ҳақида айтиб ўтишимиз даркор.

Дарҳақиқат, “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4235-сон 07.03.2019 Ўзбекистон Республикасинии Қонуни қабул қилинган эди.

Мазкур Қонун хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рафбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Хусусан, Қонуннинг 1 бандига кўра, 2019 йил 1 майдан бошлаб аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганини сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади.

Бу вазиятда, иш берувчи аёл ходимларнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан у билан меҳнат шартномасининг ўз ташаббусига кўра меҳнат кодексининг 100-модда 2-қисм 7-бандига кўра бекор қилиши мумкин эмас.

Шуни ёдда саклангки, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш далиллари бўйича сиз ташкилотингиз ҳаракатларининг меҳнат қонунчилигини текшириш талаби билан Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига ёки меҳнат қонунчилигининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат ва кузатувни амалга оширадиган прокуратура органларига мурожаат қилишга ҳуқуқингиз бор.

17-савол. Ногирон фарзанди бор шахсларнинг пенсия чиқишидаги имтиёзлари

Ассалому алайкум мени турмуш ўртоғим 1970 йилда туғилган ҳозирда мактабда бошланғич синфларга дарс беради. 2 гурух болаликдан ногирон қизимиз бор шунга неча ёшдан пенсияга чиқиши мумкин ва кандай тартибда?

Жавоб: “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасида назарда тутилишича, фуқаролар пенсия тайинланиши хусусида унга доир ҳуқуқ вужудга келганидан кейин исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз аҳолиси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга. Мазкур қонуннинг 7-моддасига кўра:

- эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлганда;
- аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсиялар олиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига асосан алоҳида тоифадаги фуқаролар эгадирлар:

- 1-сон рўйхат – ёшидан қатъий назар;
- 2-сон рўйхат – умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирган ҳолда;
- 3-сон рўйхат – умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирган ҳолда.

Умумий белгиланган ёшни қисқартирган ҳолда имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқига, шунингдек:

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги Қонуннинг 37-моддасининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар - 1 йилга қисқартирган ҳолда (эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар)

уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар ва болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни саккиз ёшгача тарбиялаган бўлса – иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда. Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунига қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади – 5 йилга қисқартирган ҳолда;

Демак, болалиқдан ногирон фарзандингиз борлигини инобатга олсак имтиёзли шартда 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсияга чиқишингиз мумкин деб ҳисоблаймиз.

**18-савол. Пенсия ёшига етган шахснинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқи
Ассалому алайкум! Корхона ходими 60 ёшга тўлганидан сўнг меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳаклими? Башқачарок қилиб айтганданда пенсия ёшига етган ходим (эркак киши) ишдан кетишга мажбурми?**

Жавоб: Ҳа, ишдан бўшатилиши мумкин.

Иш берувчи ўз ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин бўлган сабаблар Мехнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмида баён этилган.

Унга кўра:

1. технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;
2. ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойик бўлиб қолиши;
3. ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган

ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;

4. ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишида бузганлиги.
5. ўриндошлиқ асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлиқ иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганилиги;
6. корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулқдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганилиги. Мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини корхона мулк қилиб олинган кундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилади. Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган вақти, узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу муддатга киритилмайди;
7. ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда.

Мазкур рўйхатни 7-бандига эътибор қаратсангиз, ходим пенсия ёшига етганида иш берувчи ўз ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкинлиги тўғрисида нормани кўриш мумкин. Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, иш берувчи шу ходимни пенсия ёшига етганлиги муносабати билан ишдан бўшатиши лозим топса, у ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин.

19- савол. Ички ўриндошлиқ ва унинг миқдори

Мен умумий ўрта таълим мактабида 1 ставкада ишлайман, ҳамшираман. Ҳозирда яна ярим ставка кўшилмокда ўзим бир ярим ставкада ишлашим мумкинми ёки мумкин эмасми?

Жавоб: Ўриндошлиқ асосида ишловчи жисмоний шахсларнинг меҳнат муносабатлари “Ўриндошлиқ асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги низом билан тартибга солинади (ВМнинг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарорига илова, кейинги ўринларда – Низом).

Низомнинг 7-бандига кўра, ўриндошлиқ асосида ишлашда ўриндошлиқ асосида ишлашнинг давомийлиги ходимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас (соғлиқни сақлаш тизими врач ходимлари бундан мустасно).

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, сиз асосий иш жойингизда 1 ставкада ишласангиз, ўриндошлиқ асосида яна 1 ставкагача ишлашга ҳақлисиз, яъни тиббиёт ходими бўлганингиз сабабли.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Меҳнати кодексида иш жойи сонлари бўйича чекловлар ўрнатилмаган. Ишчи, ўз хохишига кўра, бир неча ташкилотларда ишлашга ҳақли, фақат иш вақти давомийлиги жами 1,5 ставкадан ошмаслиги, тиббиёт ходимлари учун эса 2 ставкадан ошмаслиги лозим.

20-савол. Сиртқи таълимда таҳсил олувчи талабанинг меҳнат қилиш ҳуқуқи

Ассалому алайкум. Мен ҳозирда сиртқи таълимда таҳсил оламан. Сиртқи таълимда ўқийдиган талабалар ўз соҳаси бўйича ишлаши мумкинми ўқиши давомида?

Жавоб: ҳа, ишлаши мумкин.

“Олий таълим тўғрисида”ги Низомда Бакалавриат – олий таълим йўналишларидан бири бўйича

фундаментал назарий ва амалий билимлар берадиган таянч олий таълим ҳисобланиши, бакалавриат таълим йўналишида ўқитиш кундузги, сиртқи, маҳсус сиртқи ҳамда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш таълим шаклида амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, Низомнинг 11-бандида олий таълим тизими бакалавр ва магистратура босқичларга бўлиниши ҳамда ушбу таълим муассасига муваффақиятли қабул қилинганларга, талаба мақомига эга бўлиши белгиланган.

Олий таълим тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1222, 2003 йил 22 февраль) 50-бандига мувофиқ, ўқув юртида таҳсил олаётган талабаларга ўқишдан бўш вақтида олий таълим муассасасида ва бошқа ташкилотларда меҳнат шартномаси бўйича ишлашига рухсат этилади.

Шунга кўра, олий таълим муассасасида ўқиши билан бирга корхона, ташкилотларда ишлаш меҳнат қонунчилигида тақиқланмаган.

Бу иш жойи талаба учун тўлиқсиз иш вақти (тўлиқсиз иш куни) (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 119-моддаси) шарти билан асосий иш жойи бўлади. Меҳнат шартномасида унинг иш вақтини кўрсатиш лозим.

Сиз ҳам бакалаврда ўқиётганингизни инобатга олсадиган булсан, Сиз ҳам бошқа таълим шаклида ўқийдиган талабалар сингари меҳнат қилиш хукуқига эгасиз.

21-савол. Ўриндошлик асосидаги ходимнинг иш ҳажми

Ассалому алайкум. Мен мактабда 0.5 ставкада ишловчи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосариман. Саволим шуки мен тарификация бўйича неча соатгача дарс ўтишим мумкин?

Жавоб: Мазкур саволга жавоб Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига 2-ИЛОВА, “Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари”да белгилаб ўтилган.

Умумтаълим мактабларида раҳбар ходимлар сифатида умумтаълим мактаби директори, мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, мактаб директорининг спорт ишлари бўйича ўринбосари, умумтаълим мактабидаги ўқувчиларни чақириққа тайёрлаш раҳбари ва бошқалар қаралади.

Мазкур Қарорда белгилашинича, халқ таълими муассасасининг раҳбар ходимлари томонидан асосий лавозимнинг бир ҳафтада 10 соатгача ҳажмда ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб борилишига (ўқув юклamasи юритилишига) йўл қўйилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, мактаб раҳбар ходимлари 10 соатгача дарс беришлари ва ўтган дарс соатлари учун соатбай ҳақ тўланиши керак.

22-савол. Ишловчи оналарнинг боласи икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа олиш хукуқи

Ўқитувчи декрет таътилидан кейинги боласига қараб туриш таътили давомида ҳақ олиш хукуқига эгами бу қандай ҳолатда амалга оширилади жавобингиз учин раҳмат

Жавоб: “Ишловчи оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом мавжуд.

Мазкур низом ишловчи оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Унга кўра, низом бюджет ташкилотларида ишловчи оналарга татбиқ этилмайди.

Демак, бюджет ташкилотида ишлайдиган ходимларга 2 ёшгача бўлган бола парвариши учун ҳақ тўланмайди.

23-савол. Мактабдаги ўриндошлиқ

Ассалому алайкум. Мактабнинг ўкув ишлари бўйича директор уринбосари ва психолог бир ярим ставкада ишлаши мумкинми?

Жавоб: ҳа, албатта ишлашингиз мумкин. Ўриндошлиқ асосида ишловчи жисмоний шахсларнинг меҳнат муносабатлари ўриндошлиқ асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низом билан тартибга солинади (ВМнинг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарорига илова, кейинги ўринларда – Низом).

Низомнинг 7-бандига кўра, ўриндошлиқ асосида ишлашда ўриндошлиқ асосида ишлашнинг давомийлиги ходимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас (соғлиқни сақлаш тизими врач ходимлари бундан мустасно).

Сиз асосий иш жойингизда 1 ставкада ишласангиз, ўриндошлиқ асосида фақат жами 0,5 ставкада ишлашга ҳақлисиз.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Меҳнат кодексида иш жойи сонлари бўйича чекловлар ўрнатилмаган. Ишчи, ўз хоҳишига кўра, бир неча ташкилотларда ишлашга ҳақли бу меҳнат қонунчилигига кўрсатилен, фақат иш вақти давомийлиги жами 1,5 ставкадан ошмаслиги лозим.

Фуқароларнинг доимий пропискада турганлиги, пропискадан чиққанлиги, турган жойи бўйича ҳисобга олинганлиги, вақтинчалик рўйхатдан ўтганлиги, шунингдек, маълумот мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотлар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилади.

24- савол. Ҳомиладорлик таътилига чиққан ходимларнинг иш жойи сақланиши

Ассалому алайкум. Тұрмуш ўртоғум 5 йилдан бери касалхонада лабарант бўлиб ишлайди. Ҳомиладорлиги учун туғруқ таътилидан олдин таътилга чиқди. Бир муаммо бўлдики, хотиним икки ийллик таътил учун ариза ёзмаган экан. Орадан бир йил утди. Иш жойи сақланиб қоладими?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 233-моддасида кўрсатилиб ўтилганидек, ёлларга түккунга қадар етмиш календарь кун ва түққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сұфартаси бўйича нафақа тўланиши кўрсатилиб ўтилган. Кодекснинг 234-моддасида ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланиши белгиланган. Шу билан бирга ушбу модданинг 5-қисмида болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади деб белгиланган.

Меҳнат кодексининг 237-моддасида ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди,

корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади деб кўрсатиб ўтилган.

Юқоридаги нормаларга асосан турмуш ўртоғингизнинг иш ўрни сақланади. Шу билан бирга иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади. Корхона тугатилган ҳолларда эса турмуш ўртоғингиз имтиёзга эга бўлади.

25-савол. Штат жадвали қисқарганлиги сабабли ишдан бўшатилган ходимга компенсация тўлаш
Ассалому алайкум мен коллежда 7 йил ишладим мени штатлар жадвали қисқарганлиги бўйича ишдан бўшатишди. Лекин менга компенсация тўламаяпти кимга мурожаат қиласам бўлади?

Жавоб: Штатлар қисқариши натижасида ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳам (Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-банди) иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди бўйича бекор қилинганда қўйидагилар тўланади (буларнинг ҳаммасини ходимнинг сўнгги иш кунида қилиш керак):

1. огоҳлантириш муддати алмаштирилган тақдирда - меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддати тугашигача қолган вақтга мутаносиб равища пуллик компенсация (Меҳнат кодексининг 102-моддасининг иккинчи қисми);
2. ўртacha ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси (Меҳнат кодексининг 109-моддаси);
3. меҳнат шартномасини бекор қилиш кунига тегишли иш ҳақи (ҳисоб-китоб қилинади) (Меҳнат кодексининг 110-моддаси);
4. фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация (Меҳнат кодексининг 151-моддаси).
5. огоҳлантириш муддати давомида бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида 1 кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслики

Иш қидириш даврида (меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин) ишдан қисқартирилаётган ходимнинг ойлик ишдан бўшатиш нафақасини ҳисобга олган ҳолда ўртacha ойлик иш ҳақи сақланади, бироқ у 2 ойдан ошмаслиги керак (Меҳнат кодексининг 67-моддаси). Шуни ҳам айтиб ўтиш керак, агар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб 10 календар кун мобайнида Марказда иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, Марказ берган маълумотномага биноан 3-ой учун ҳам олдинги иш жойидан ўртacha иш ҳақи олиш ҳуҳуқига эга бўлади.

Демак, сизга ҳам берилиши керак

Шуни ҳам унутмангки, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш далиллари бўйича сиз ташкилотингиз ҳаракатларининг меҳнат қонунчилигини мувофиқлигини текшириш талаби билан Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига ёки меҳнат қонунчилигининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат ва кузатувни амалга оширадиган прокуратура органларига мурожаат қилишга ҳақлисиз.

26-савол. Дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик учун ҳақ олиш
Мен СЭС ташкилотида ишлайман ярим ставка. Карантин даврида тўлиқ ишладик дам олиш куни ҳам Наврўз байрамида ҳам. Ортиқча ишлаган кунимизга ҳақ беришадими?

Жавоб: Меҳнат кодексининг 124-моддасига асосан ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (мехнат шароити оғир ва зарарли ишларда – бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Ходим дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб қилиниши мумкинми?

Мехнат кодексининг 130-моддасига асосан дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Мазкур кодекснинг 132-моддасига асосан Байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаш ман этилади. Ходимларни шу кунлари иш берувчининг фармойиши билан ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина ушбу Кодекснинг 130-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Шу ўринда бир савол пайдо бўлади. Ходим ишдан ташқари ишласа, дам олиш куни ҳам ишласа, байрам куни ҳам ишласа, ҳодимга қандай иш ҳақи тўланади

Мехнат кодексининг 157-моддасига асосан иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса микдорида ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг ганиқ микдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, мазкур асосларга кўра сизга Иш вақтидан ташқари ишлаганингиз учун ҳам, дам олиш кунлари ишлаганингиз учун ҳам ва байрам кунларидаги ишлаганингиз учун ҳам камида икки ҳисса микдорида ҳақ тўланиши лозим.

27-савол. Мактабгача таълим ташкилоти ходимининг ўриндошлиги

Ассалому алейкум менинг саволимга аниқлик киритиб беринг. Саволим оиласвий боғча очиб унга раҳбарлик қилиб ишилаётган ходим 0.5 ставкада бошқа мактабгача таълим ташкилотида ишлаши мумкинми?

Жавоб: Маълумки, Вазирлар Махкамасининг 2018-йил 30-июлдаги 595-сон қарори асосидаги “Оиласвий нодавлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисида Низомнинг 33-бандига мувофиқ, оиласвий нодавлат мактабгача таълим муассасасини бошқариш муассис томонидан амалга оширилади.

Оиласвий нодавлат мактабгача таълим муассасаси якка тартибдаги тадбиркор шаклида фаолият юритишини ҳисобга олсан, унинг раҳбари бошқа МТМда ишлаши мумкин деган хулоса келиши табиий.

Сабаби “Ўриндошлиқ асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида Низом”нинг 4-бандида ўриндош тариқасида ишлаши таъқиқланган шахслар ҳамда “Ўриндошлиқ асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом” иловасида ўриндошлиқ асосида ишлаш ҳисобланмайдиган ишлар рўйхати келтирилган. Ушбу бандларда, оиласвий боғча раҳбари бошқа мактабгача таълим муассасасида ходим сифатида ишлашига тўсқинлик қиладиган ҳолатларни топмадик.

Фақат шуни инобатга олиш лозимки, бу ҳолатда оиласвий мактабгача таълим муассасаси уставида раҳбарнинг бошқа МТМ ёки умуман бошқа ташкилотларда ишламаслиги тўғрисидаги қоида бўлмаслиги керак. Агар бошқача қоида назарда тутилса, устав қоидалари амалга оширилади.

28-савол. Пенсияга чиққан аёлларнинг меҳнат қилиш ҳукуқи

Мен оиласи поликлиникада ҳамшира булиб ишлайман. 2020 йил май ойидага пенсияга чиқишим керак.

Пенсияга чиқиб яна ишлашга ҳаққим борми?

Жавоб: Ушбу ҳолатга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-4235-сон қарорига кўра “аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади” белгиланган.

Ушбу нормага кўра Сиз ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси муддатли тузилган бўлса, у ҳолда пенсия олаётган даврда ёки пенсия олишни бошлаганингиздан кейин ушбу шартнома муддатининг тугаши билан иш берувчи томонидан Сизни ишдан бўшатишга асос бўлади.

Қолаверса, агар меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган бўлса у ҳолда Сиз 60 ёшга тўлганинда ишдан бўшатилишингиз мумкин бўлади.

Сиз биринчи навбатда меҳнат шартномани ўқиб кўринг. Агар Сиз билан тузилган меҳнат шартномасида шу икки ҳолатдан бири яъни муддатли меҳнат шартномаси тузган бўлса у ҳолда Сиз муддат тугагунга қадар ишлашингиз мумкин.

Агар муддат тугагач иш берувчи қонун доирасида Сизни ишдан бўшатса бу унинг Қонунга мувофиқ харакати хисобланади. Иккинчи ҳолатда эса Сиз 60 ёшгача ишлашингиз мумкин бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Сиз пенсияга чиқиб ҳам ишлашингиз мумкин фақатгина юқоридаги ҳолатлар инобатга олиниб кейинчалик Сизни ишдан бўшатишлари мумкин ва буни ҳам инобатга олишингиз тавсия этилади.

29-савол. Яқин қариндошларнинг бир жойда ишлаши

Мени саволим шундан иборатки мен МТТда хўжалик мудири булиб ишлайман. Бундан тўрт ой олдин МТТ мудираси ўз аризаси билан ишдан бўшаб кетган эди. Ўрнига шу муассада ишлайдиган мени синглимни вақтинчаликка мудира этиб тайинлашган эди. Хозирга келиб МТБ раҳбари ва кадрлар билан ишлаш бошлиғи мени чақириб “олдинги мудиранг опа сингил бир муассасада ишлаши мумкинмас” деган мазмундаги хат билан келди, шунинг учун сени бошқа ишга ўтказамиш деб айтишиди. Ҳақиқатдан ҳам шу айтганлари конуниими? Мени ҳеч қандай камчилигим бўлмаса ҳам аризамни ёзишга маҷбурлашмокда опа сингил бир жойда ишлаши мумкун эмасми?

Жавоб: Хурматли фуқаро амалдаги Меҳнат кодекси 79-моддасига мувофиқ ўзаро яқин қариндош ёки куда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, aka-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, aka-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Мазкур норманинг мазмунига кўра бир ташкилотда қариндошларнинг ишлаши тақиқланади.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 133-сонли қарорига 3-Иловада “Давлат (акционерлик) корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддасида назарда тутилган қариндош-уруғларнинг, агар уларнинг хизматлари улардан бирининг бошқасига бевосита

бўйсуниши ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисли мумкин бўлган ходимлари РЎЙХАТИ" белгиланган.

Мазкур рўйхатнинг 6-бандига кўра барча ўқув ва тарбия муассасаларидаги педагог ходимлар, ўқитувчилар, библиографлар ва кутубхоначилар бирга ишлаши мумкин.

Хулоса қиласиган бўлсак, сизнинг вазиятингизда ҳақиқатда ҳам бир ташилотда ишлаш тақиқланган.

30-савол. Мактаб ўқитувчиси билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш

Мактабда ишлайдиган бошланғич ўқитувчиси тиббий дафтарчаси ўз вақтида тўлдирмагани учун иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор килиши мумкинми?

Жавоб: Йўқ, бу нотўғри.

Мазкур ҳолатда ишдан бўшатиш асослари мавжуд эмас. Фақат биргина иш берувчининг истак-ҳоҳиши билан ишдан бўшатиш мумкин эмас. Бунда фақат қонунчилик билан мустаҳкамланган асослар бўлиши зарур.

Иш берувчи ўз ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин бўлган сабаблар Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмida баён этилган. Унга кўра:

1. технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганилиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;
2. ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;
3. ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;
4. ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги.
5. ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;
6. корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулқдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги. Мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини корхона мулк қилиб олинган кундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилади. Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган вақти, узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу муддатга киритилмайди;
7. ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда.

Мазкур рўйхат тугал бўлиб, унинг доирасидан чиқишга мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳеч бир ташкилотга қатъиян йўл қўйилмайди.

Демак, юқоридаги ҳолат ташкилотнинг локал ҳужжатларида меҳнат вазифаларини қўпол равишда бузиш деб ҳисобланмаса, унда меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин эмас. Бундай вазиятда интизомий жазо турларидан бирини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шуни ҳам айтиш керак, агар сиз меҳнат конунчилиги нормалари талаблари бажарилмаётган деб ўйласангиз, йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик далиллар бўйича Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига ёки прокуратурага мурожаат этишга ҳақлисиз - меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига аниқ ва бир хилда ижро этилиши айнан ушбу давлат органлари назорат қиласидар, шунингдек, фуқаролик судига ишга тиклаш бўйича даъво аризаси киритишга ҳам ҳақлисиз.

31-савол. 10 йилга қисқарган ҳолда пенсия олиш

Ассалому алайкум мен 18 йилдан бўён газни қайта ишлаш заводида ишлаб келмоқдаман айни пайтда ёшим 56 да мен шу ёшимда пенсияга чиқишим мумкинми.

Жавоб: Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасига асосан ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

- эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;
- аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлади.

Мазкур қонуннинг 9-моддасида Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш мумкинлиги белгиланган.

Кимлар 10 йилга қисқарган ҳолда пенсия олишга ҳақли?

Вазирлар маҳкамасининг 12.05.1994 250-сонли қарорига асосан талаф қилинадиган умумий ва маҳсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 10 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-рўйхатнинг 13-бўлимида Нефт, газ ва қазиб чиқариш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, кўмир ва шале ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг 10 йиллик имтиёз билан пенсияга чиқишлари назарда тутилган.

2011-йил 25-январдаги 2-К, 5-сонли “Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 13-бандида

3-сон Рўйхатнинг I-қисмида кўрсатилган, касблар ва лавозимларнинг рўйхатлари келтирилмаган ишлаб чиқаришлар бўйича имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқига, касблари ва эгаллаган лавозимидан қатъи назар, ушбу ишлаб чиқаришларнинг барча ишчилари фойдаланади (масалан: 2-сон Рўйхатнинг 2-қисми “Нефт, газ, газ конденсати, кўмир ва сланетси қайта ишлаш” Х-бўлимига техник углеродни ишлаб чиқаришда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ишчилар, раҳбарлар ва мутахассислар киритилган. Бинобарин, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқидан ушбу ишлаб чиқаришда банд бўлган, касби ва эгаллаган лавозимининг номланишидан қатъи назар, барча ишчилар фойдаланади деб белгиланган.

10 йилга қисқарган ҳолда пенсия олишда ходим қанча иш стажига эга бўлиши лозим? Сизнинг иш стажингиз имтиёз қўлланишига етадими?

Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 11-моддаси, а) бандига асосан еrosti ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (2-сонли рўйхат, 2 қисм):

- эркаклар – иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга

- түғри келган тақдирда;
- аёллар – иш стажи камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга түғри келган тақдирда. Тайинланиши белгиланган

Демак, мазкур асосга асосан сизнинг иш стажингиз 18 йиллигини ҳисобга олсан сиз бу йил пенсияга чиқа олмайсиз чунки қонун иш стажи камида 20 йил бўлишини талаб қиласди. бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга түғри келган булиши мумкин.

32-савол. Интизомий чора қўлланилган ходимга мукофот бериш

Меҳнат кодексининг 180-моддасига тушунтириши берсангиз, интизомий жазо чораси мавжуд бўлган ходимларга Давлат байрамлари муносабати билан ёки иш натижалари (ой, чорак, йил якунлари бўйича) мукофотлар берилиши мумкинми. Батофсил тушунча беришингизни илтимос киламан.

Жавоб: Меҳнат Кодексининг 180-модда 3-қисмига кўра иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

Демак, тўловлар (иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва бошқа тўловлар) меҳнат ҳақи тизимида киритилган бўлса – бу тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди ва интизомий жазо чоралари қўлланилган ходимларга нисбатан - қайд этилган тўловлар қўлланилади.

Аксинча, меҳнат ҳақи тизимида киритилмаган бўлса, интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида (183-модда) ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Бу масалага ойдинлик киритиш, яъни, амалга оширилаётган тўловлар қайси тизимдан тўланаётганлигини билиш учун корхонангиздаги ходимларнинг вакиллик органига хамда молия-иқтисод бўлимларига мурожаат қилишингиз мақсадга мувофиқдир.

Шуни унутманг, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш далиллари бўйича сиз ташкилотингиз ҳаракатларининг меҳнат қонунчилигига мувофиқлигини текшириш талаби билан Давлат меҳнат ҳукуқ инспекциясига ёки меҳнат қонунчилигининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат ва кузатувни амалга оширадиган прокуратура органларига мурожаат қилишга ҳақлисиз.

33-савол. Мехнат шартномаси тузишда иш берувчининг мажбуриятлари

Меҳнат шартномаси тузишда иш берувчининг мажбуриятлари кандай норматив ҳужжатлар билан белгиланади

Жавоб: Ишга қабул қилиш ёзма меҳнат шартномаси билан расмийлаштирилади. Унинг шакли намунавий меҳнат шартномасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқлади. Бу ташкилотингизда қўлланилаётган шаблон тасдиқланган намунадан айнан олинган нусха бўлиши кераклигини англаштайди. Ишлаб чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари, фаолият хусусиятини инобатга олган ҳолда ташкилотларнинг меҳнат шартномалари мазмуни фарқланиши мумкин.

Асосийси – белгиланган меҳнат шартлари қонун ҳужжатларида белгиланган шартларга қараганда ходимларнинг аҳволини ёмонлаштирунган.

Бундан ташқари, меҳнат шартномасида қайд этилиши зарур бўлган мажбурий шартлар мавжуд. Булар – иш жойи, ходимнинг меҳнат вазифаси, ишни бошлаш куни, муддатли шартноманинг амал қилиш муддати, тўланадиган ҳақ миқдори.

Меҳнат Кодексининг 176-моддасига мувофиқ ходим ўз меҳнат вазифаларини вижданан бажариши шарт. Бошқа томондан, МКнинг 177-моддасида иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажариши талаб этишга ҳақли эмаслиги белгиланган. Амалиётда ходим билан иш берувчи ўртасида ушбу масала юзасидан кўп ихтилофлар чиқади.

Кодекснинг 176-моддасига мувофиқ ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда – жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда, меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

1) Агар вазифалар рўйхати катта бўлмаса, ходимнинг иш доираси анча чекланган бўлса, меҳнат шартномасида барча вазифаларни санаб ўтиш билан чекланиш мумкин.

2) Меҳнат шартномасида умумлаштирилган меҳнат вазифаларини бир нечта жумла билан қисқача қайд этиш мумкин, меҳнатга оид хатти-ҳаракатларнинг батафсил рўйхатини эса алоҳида локал норматив ҳужжат сифатида расмийлаштирилган лавозим йўриқномасида бериш мумкин. Бунда ходим лавозим йўриқномаси билан тилхат олиб таништирилиши керак.

Шунингдек, ходим лавозимининг номи амалдаги Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ва имтиёзли пенсия олиш ҳукуқини берувчи рўйхатларга мувофиқ келиши керак. масалан, лавозим номининг нотўғри кўрсатилиши «имтиёзли рўйхатлар» (Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган) асосида муддатдан аввал пенсияни расмийлаштиришга тўсқинлик қилиши мумкин.

Шу сабабли келгусида ходимлар пенсияни расмийлаштираётганда муаммоларга тўқнаш келмасликлари учун иш берувчиларга ходимнинг лавозими, касби ва мутахассислигини иложи борича аниқ ва тўғри қайд этишни маслаҳат берамиз.

34-савол. Субсидия берилмаслиги ходимга иш ҳақи тўламасликка асос бўладими?

Карантин сабабли 2020 йил 16 марта бошлаб давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат МТТларига ва оиласидаги МТТларига бюджетдан субсидиялар бериш тўхтатилган. Бу эса айрим нодавлат МТТлари раҳбарлари томонидан нодавлат МТТларга субсидия берилмаётганини важ қилиб, ишчи-ходимларга март ойи учун иш ҳақини тўлиқ бермасликка сабаб бўлмоқда. Шу тўғрими?

Жавоб: Субсидиялар ҳар ойда таълим муассасаларида таълим олаётган ҳар бир бола учун давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган харажатлар суммаси миқдорида ажратилиши белгиланган. Республикадаги барча мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти 16 марта вақтинчалик тўхтатилгани туфайли Молия вазирлиги томонидан субсидия ажратиш тўхтатилган. Бироқ бу ходимларнинг ойлик маошини тўламасликка асос бўлмайди.

Ҳар бир корхона ва ташкилотнинг иш хусусияти турлича бўлгани ҳамда меҳнат шартномаси ташкилот билан тузилгани учун меҳнат таътили, ўз ҳисобидан таътил ёки масофавий ишлар иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишув асосида бўлиши лозим.

35-савол. 55 ёшдан пенсияга чиқиш

Мен Мубарекнефтгаз МЧЖ корхонасида ишлайман. 55 ёшга тўлганда 31 йил стажим бўлади. Болаликдан 2 гуруҳ ногирон қизим бор, шуларни инобатга олиб 55 ёшдан пенсияга чиқсан бўладими?

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 18.03.2019 йилдаги 229-сон қарори билан пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга ижтимоий нафақа тўлаш тартиби белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 17.01.2019 йилдаги ПФ-5635-сон Фармони билан шундай кафолат назарда тутилган. Нафақа жорий йил 1 мартдан бошлаб тўланади.

Қабул қилинган ҳужжат билан ижтимоий нафақа миқдори ва уни тўлаш тартиби белгиланди. Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли тузатишлар киритилди.

Болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга нафақа улар 55 ёшга етганларида тайинланади. Нафақа олиш учун яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига ариза бериш зарур. Аризага қўйидагилар илова килинади:

- болаликдан ногиронлиги бўлган фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- фарзанди болаликдан ногирон деб эътироф этилганлиги тўғрисида тиббий-маслаҳат комиссияси (ТМК) томонидан берилган тиббий хулоса ёки тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг (ТМЭК) ногиронлик тўғрисидаги маълумотномасининг тегишли қисми.

Демак, сиз 55 ёшга етган ва болаликдан ногиронлиги бўлган фарзандингиз бор бўлса, сизга ижтимоий нафақа тайинланиши керак деб ҳисоблаймиз. Нафақа олиш учун яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилишингиз керак бўлади.

36-савол. Пенсияга чиққандан кейин ишлаш

Ота-онам нафақага чиқиб ишлаб юришибди, лекин пенсияга чиқасилар деб бошлиқлари қўймаяпти. 60 ёшга чиққунча ишлашга хаққи борми?

Жавоб: ҳа, давом эттиришлари мумкин. Биз онангизни меҳнат фаолияти ҳақида айтиб ўтамиз, отангизни ишлаши тўғрисида алоҳида мурожаат қилишингизни маслаҳат берган бўлардик.

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4235-сон 07.03.2019 Ўзбекистон Республикасинии Қарори қабул қилинган эди. Мазкур Қарор хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташабbusларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Хусусан, Қарорнинг 1-бандига кўра, 2019 йил 1 майдан бошлаб аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян мuddатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар иш берувчининг ташабbusига кўра бекор қилиш тақиқланади.

Шундай экан, иш берувчи аёл ходимларнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан у билан меҳнат шартномасининг ўз ташабbusига кўра меҳнат кодексининг 100-модда 2-қисм 7-бандига кўра бекор қилиши мумкин эмас деб ҳисоблаймиз.

Шуни ҳам унутмангки, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш далиллари бўйича сиз ташкилотингиз ҳаракатларининг меҳнат қонунчилигини текшириш талаби билан Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига ёки меҳнат қонунчилигининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат ва кузатувни амалга оширадиган прокуратура органларига мурожаат қилишга ҳақлисиз.

37-савол. Малака ошириш хизмат сафари ҳисобланадими?

Мени янги Ташмига малака оширишга жүннатишиди. Лекин командировочның ҳам, йўл пули ҳам тўланмаябди, нега деган саволимизга малака ошириш хизмат сафарига кирмайди деб жавоб берди. Шунақа бўлиши мумкинми?

Жавоб: Йўқ, бундай вазиятда сизга, командировочные тўланмайди деб ҳисоблаймиз. Фикримизни қўйида қонун ҳужжатлари орқали асослашга ҳаракат қиласиз.

Сиз ушбу ҳолатда “командировочные”, яъни хизмат сафари учун харажатлар компенсацияси олишингиз учун сизнинг малака оширишингиз хизмат сафари сифатида баҳоланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва ахолини иктиомий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги 83-сон ва 7/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида” ги Йўриқномага кўра, хизмат сафари деб ходимнинг ташкилот, муассаса, бирлашма, корхона раҳбарини фармойиши бўйича, ўзининг доимий иш жойидан ташқарида хизмат топширигини бажариш учун бошқа жойга, маълум бир муддатга юборилиши (бориб келиш) тушунилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сон қарорига 3-илова, Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида” Низомнинг 16-бандига кўра, педагог ходимларнинг малакасини оширишнинг қўйидаги тўғридан-тўғри шакллари қўлланилади:

- малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (институтда, марказда) ўқитиш;
- «Устоз-шогирд» усули бўйича таълим муассасасида ўқитиш;
- мустақил ўқиб билим орттириш;
- масофадан туриб амалга ошириладиган таълим;
- стажировка шаклида тажриба орттириш.

Ушбу Низомнинг 21-бандига кўра, юқоридаги шакллардан фақат стажировка хизмат сафарига юбориш тарзида амалга оширилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Сиз малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (институтда, марказда) ўқитиш тарзида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малака оширимоқдасиз ва бу хизмат сафари ҳисобланмайди. Шу боис, сиз бунинг учун хизмат сафари харажатлари учун командировочные ололмайсиз деб ҳисоблаймиз

Шунингдек, бу масала юзасидан молия бўлимига ёзма равишда мурожаат қилишингизни тавсия қилган бўлардик.

38-савол. Кўп болали, ягона боқувчи бўлган ходимларни қисқартириш асосида ишдан бўшатиши
Тўрт нафар вояга етмаган фарзанди бўлган ва оиласда ягона боқувчи ходим иш жойига қисқариш келганлиги сабабли ишдан бўшатилиши мумкинми? Унинг устига кичкина фарзанди 4 ёш булса? Иш билан таъминланмайдими иш берувчи? Шу саволга жавоб берсангиз, гап турмуш ўртоғим ҳақида кетяпти.

Жавоб: Бу борада корхонада штатлар қисқариши ҳолатида ишдан бўшатилаётган ходимлар масаласида Меҳнат кодексининг 103-моддасига мувофиқ айрим ходимларга ишда қолишда имтиёзли хукуқ берилган.

Қаранг, мазкур 103-моддага асосан ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда

ишда қолдириш учун имтиёз биринчи навбатда малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади.

Меҳнат кодекси 103-моддасининг иккинчи қисми 1-бандига асосан, агар ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда штат қисқараётганда ишда қолиш борасидаги дастлабки имтиёз айнан қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга берилади, яъни улар ишда қолиши мумкин бўлади.

Яъни, ушбу қоидаларга мувофиқ, иш ўринлари қисман қисқараётган бўлса, агар турмуш ўртоғингизнинг малакаси ва унумдорлиги бошқа ходимларга қараганда юқори бўлса, ёки малакаси ва унумдорлиги бир хил бўла туриб, қарамоғида ўзингиз айтганиздек, икки ёки ундан ортиқ кишилар бўлса, унда ишда қолиша имтиёзли ҳуқуқ бор.

Бундан ташқари, бир нарсани билиш керакки, Меҳнат кодексининг 92-моддасига асосан иш берувчи:

- иш ўрни қисқараётган турмуш ўртоғингизга аввал мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни бундай иш бўлмаган тақдирда эса, – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт;
- ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин бўлади.

39-савол."Декрет"га чиқарилдим шу тўғрими?

Мен МТТ да ёрдамчи тарбиячи лавозимда ишлардим ҳомиладор эдим 1 апрелдан декретга чиқишим керак эди карантин муносабати билан мени мажбурий 17 мартаңдан декретга чиқариб юборди. МТТ мудирамиз лекин декретка чиққанлигимни тасдиқловчи документ тақдим этмаганман шундей бўлсаҳам ўз ўзидан мени декрет таътилига чиқариши мумкини ҳамма ёрдамчи тарбиячиларга ойлик туширилди менгаҳам тушди мени қайтип беришими сўраяпти бу қанчалик тўғри? Олдиндан раҳмат жавоб учун.

Жавоб: Меҳнат кодексининг 233-моддасига асосан, аёлларга түқунга қадар етмиш календар кун ва түққанидан кейин эллик олти календар кун (туғиши қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиши бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳомиладорликнинг ўттизинчи ҳафтасидан бошлаб ҳудудий амбулатор-поликлиникаларнинг, акушер-гинеколог (умумий амалиёт шифокори) томонидан бош шифокор ўринбосари билан биргаликда бир йўла бир юз йигирма олти календар кунига берилади.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақасига қараб иш берувчи сизнинг декретга чиқишингиз тўғрисидаги буйруқни қабул қиласиди. Агар сиз меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тақдим қилмаган бўлсангиз, иш берувчи буйруқни ноқонуний чиқарган.

Ҳомиладорликнинг ўттизинчи ҳафтасидан кейин мурожаат қилинганда туғишига қадар неча кун қолганидан қатъи назар, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси мурожаат қилган кундан тўлиқ бир юз йигирма олти календар кунига берилади.

Мазкур даврда сизга нафақа тўланади. Эрта декретга чиқарилганлигингиз сизнинг зарарингизга ишламайди. Март ойининг қолган кунларини ҳисобга олмаганда. Ойлигингизни масаласига тўхталар эканмиз, Меҳнат кодексининг 153-моддасига асосан иш берувчи сизга 17-маргта қадар ишлаган даврингиз учун ҳақ тўлаши шарт.

40-савол. Меҳнат таътилидан чақириб олиш

Ходимни 01.04.2020 йилда меҳнат таътилига чикарганман. Иш зарурияти туфайли айнан ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, мен уни меҳнат таътилидан чақириб олишга ҳаққим борми? Жавобни асослаб беринг илтимос.

Жавоб: Меҳнат кодексининг 147-моддасига мувофиқ:

- таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.
- шу муносабат билан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ходимга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши ёки ушбу Кодекснинг 143-моддаси бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда кейинги иш йилининг таътилига қўшиб қўйилиши керак.

Мазкур қоидаларга мувофиқ, Сиз иш берувчи бўлсангиз, ходимни таътили тугамасидан туриб ҳам, муддатидан аввал чақириб олишингиз мумкин, бироқ бунинг учун аввал ходимдан розилик олишингиз керак бўлади.

Амалиётда бу жараён бўйича ходимдан меҳнат таътилидан чақиришга “розилик аризаси” деб номланган ҳужжат олиниши керак ҳамда шунга асосан “Ходимни меҳнат таътилидан чақириб олиш тўғрисида” бўйруқ чиқарилади. Бу ҳолатда, таътилдан чақирилган ходимнинг фойдаланилмай қолган таътил қисми унга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши керак, ёки кейинги иш йили учун бериладиган таътилга қўшиб қўйилиши зарур.

41-савол. Карантин даврида иш ҳақи тўлаш

Ассалому алейкум мени укам Тошкент шаҳар 459 боғчада кичик гурӯҳ тарбиячиси бўлиб ишлайди. Унга карантин сабаб марта ойида таътил учун пул тўланадими?

Жавоб: Хурматли фуқаро саволингизга қўйидагича жавоб берамиз. Карантин туфайли республикадаги барча мактабгача таълим ташкилотлари тўхтатилганлиги учун ундаги ходимлар таътилга чиқарилди.

Низомга мувофиқ карантин даврида меҳнат таътили ходимнинг хоҳишига кўра ташкилот томонидан тасдиқланган таътиллар жадвалидан қатъи назар берилади. Бунда, ходимга биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин таътил беришга оид талаб татбиқ қилинмайди.

Шу асосга кўра барча ходимлар йиллик меҳнат таътилига чиқиш хуқуқига эга бўлди. Йиллик меҳнат таътиллари учун ҳар бир ходимга ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган таътил пули берилади. (МК 148-моддаси)

Шуни таъкидлаш керакки, таътил пули таътил даври учун бир марта тўлиқ тўлаб берилади.

Юқоридаги Низомга кўра агар ходим карантин даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилишидан олдин меҳнаттаътилини олган бўлса ёки карантин даврида меҳнат таътилини олишни хоҳламаса, иш берувчи ходимнинг хоҳишига кўра қўйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- ходимни масофавий иш усули, мослашувчан иш графиги ёки уйда ишлашга вақтинча ўтказиши;
- ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериши.

Бизнингча ҳозирги вазиятда сизни масофавий иш усули ёки мослашувчан иш графигига ўтказишлари лозим деб ҳисоблаймиз. Холоса қиладиган бўлсак, сизга март ойида таътил пули тўланган бўлса, апрелда сизга таътил пули тўланмайди.

**42-савол. Карантин даврида вақтинга мөхнатга қобилиятсизлик нафақасининг берилиши
Карантин даврида вақтинга мөхнатга қобилиятсизлик нафақаси бериладими?**

Жавоб: Вақтинга мөхнатга қобилиятсизлик нафақаси қўйидаги ҳолларда берилади:

- вақтинга мөхнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касаллиқда (шикастланишда);
- санаторий-курортларда даволангандা;
- касалланган оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда;
- карантинда;
- сил ёки касаллиги туфайли вақтинга бошқа ишга ўтказилганда;
- мөхнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

Вақтинга мөхнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат белгиланган тартибда берилган вақтинга мөхнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади.

43-савол. 2 гурух ногирон, 13 ёшдаги болага карантин туфайли уйдан чиқмай қараб ўтирган ходимга бериладиган имтиёзлар

Мен мактабда психолог булиб ишлайман. 15 марта карантин эълон қилинди ва худди шу кундан мен ўғлимнинг касалини эътиборга олиб ишга чиқмадим, ҳозирда директор менга ўз ҳисобингдан таътилни оласан, деба куймаяпти яни мажбурламоқда. 2 гурух ногирон 13 ёшдаги болага карантин туфайли уйдан чиқмай қараб ўтирганим учун ишхонада мен учун қандайдир имтиёзлар мавжудми?

Жавоб: Хурматли фуқаро сиз берган савол билан кўплаб фуқаролар мурожаат қилишмоқда. Бунга сабаб кўплаб иш берувчилар ходимлардан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиш учун ариза ёзишни талаб қилмоқда. Ҳозирда республикамиз бўйлаб карантин эълон қилинган бўлса-да, бу иш берувчига ходимни мажбурий ариза ёзишни талаб қилиш ҳуқуқини бермайди.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Мөхнат кодекси 150-моддасига кўра ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мазкур моддани шахрлайдиган бўлсак, бу таътилни ходим фақат ўз розилиги билан ариза ёзган ҳолда олиши мумкин деган хulosа келиб чиқади. Агарда ходим ҳақ тўланадиган йиллик мөхнат таътилига чиқмаган бўлса, у ҳолда иш берувчи ходимларга мазкур таътилни бериши шарт.

Мазкур кодекс 133-моддасига кўра барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик мөхнат таътиллари берилади.

Шунингдек, 144-модданинг иккинчи қисмiga кўра қўйидаги шахсларга йиллик асосий таътил уларнинг хоҳишига кўра улар учун қулай бўлган вақтда берилиши лозим:

- ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева еркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;
- -I ва II гурух ногиронларига.

Агарда сиз ушбу тоифадаги ходимлар сирасига кирсангиз сиз таътилни ҳозир олишда бошқа ходимлар қараганда имтиёзли ҳисобланасиз.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳеч бир иш берувчи ходимни ариза ёзишга мажбур қила олмайди, гарча карантин даврида бўлса-да. Ҳозирда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўз баёнотларида ходимларни меҳнат таътилига чиқариша меҳнат кодекси қоидаларига риоя қилишга чақирмоқда. Бу вазиятда сиз туман меҳнат инспексиясига ёки туман прокуратурасига иш берувчининг ҳаракатлари устидан шикоят қилишингиз мумкин.

44-савол. Ўриндош ходимнинг меҳнат таътили учун ҳақ олиши

*Мен иккита мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Бирда бир ставка иккинчисида соатбой ҳақ оламан.
Мен иккала мактабда таътил пули олишга ҳақлиманим?*

Жавоб: Соатбай ҳақ тўлашнинг янги тарифлари 2019 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигитомонидан «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ти қарори билан тасдиқланди.

Қарорга кўра, олий, биринчи ва иккинчи малака тоифаси ҳамда олий ёки ўрта маҳсус маълумотга эга умумтаълим мактабларининг бошланғич ва юкори синфлари ўқитувчилари, ўқитувчи логопеди, логопедия шаҳобчаси мудирларига малака тоифасига кўра соатбай ўтилган дарслари учун базавий лавозим маошининг 1,20 фоизи миқдорида ҳақ тўланади.

Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибида меҳнат таътили ҳақи ҳам киритилган. Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси ишлаб чиқариш таълими усталари таркиби меҳнатига соатбай ҳақ тўлашда касбхунар коллежларининг ишлаб чиқариш таълими усталари учун назарда тутилган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибида меҳнат таътили ҳақи ҳам киритилган боис сизга меҳнат таътили пули берилмайди.

45-савол. Карантин муносабати билан ўз ҳисобидан таътил олиш

16.03.2020 йил кунидан 25 кун таътилда бўлиб ишга қайтиши лозим экан, бепул таътилга чикиш учун ариза ёзмайман, бокувчим бўлмаса, оиласми рўзгоримни қандай тебратаман деябди.

Жавоб: Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилиши давом этиши муносабати билан ходимнинг меҳнат таътили тугаш куни ишга чиқиш имконияти мавжуд бўлмаса, иш берувчи номига қўйидаги мазмундаги аризани юборади:

- муддати ва бошланиш санаси кўрсатилган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил олиш бўйича;
- масофавий иш усули, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга вақтинча ўтказиш бўйича.

Иш берувчи ходимга аризасида кўрсатилган санадан бошлаб тўлиқ муддатга иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил беришга мажбур. Ушбу меҳнат таътилига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 150-моддаси биринчи қисмида белгиланган максимал муддат бўйича чекловлар карантин даврида татбиқ қилинмайди.

Бунда, ушбу меҳнат таътилининг муддати мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхташи муддатидан ошмаслиги керак. Мазкур меҳнат таътили унинг муддатидан қатъи назар ходимнинг иш стажига киради.

Ходимни масофавий иш усули, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга вақтинга ўтказиш Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишининг вақтингчалик тартиби түғрисидаги низом (рўйхат рақами 3228, 2020 йил 28 март) асосида амалга оширилади.

46-савол. Ҳомиладорлик ва туғиши таътилига кетган ходимнинг ўрнига бошқа ходимни ишга қабул қилиш

Ассалому алайкум. Савол Мехнат кодексининг 233-моддасига асосан ҳомиладорлик ва туғиши таътилига кетган ходимнинг ўрнига бошқа ходимни ишга қабул қилиш мумкинми? Мумкин бўлса, қайси қонун нормаларига асосан?

Жавоб: Мехнат кодексининг 233-моддасига кўра аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиши қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

\

Кўриб турган бўлсангиз, аёлларга бериладиган ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари ижтимоий таътил тури ҳисобланади ҳамда бунда аёл ходим бутун таътил даврида ишда бўлмайди.

Мехнат кодексининг 105-моддаси 3-қисмида шундай қоида келтирилган: иш жойи (лавозими) сақланиши лозим бўлган ходимнинг ишда бўлмаган вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади.

Демак, бу қоидага мувофиқ, ҳомиладорлик ва туғиши таътилида бўлган ходимнинг ишда бўлмаган даврига мос равища – муддатли меҳнат шартномаси асосида, яъни ҳомиладорлик ва туғиши таътили якунига қадар бошқа бир ходимни ишга қабул қилиш мумкин.

47-савол. Туғруқ таътилидан олдинги иш ҳажмини олиш ҳуқуқи

Ассалому алайкум. Мен ўқитувчиман. Фарзандим 1 ёшга тўлди. Ишга чиқмоқчиман. Лекин болам ёшлиги сабабли дарс соатини кам бермокчи. Шу тўғрими? 18 соат (1 ставка). Мен 18 соат дарс билан туғруқ таътилига чиқканман. Шу соат билан ишга қайтсан бўладими?

Жавоб: Ҳа, бир ставкада ишлашингиз мумкин, бу иш берувчига боғлиқ. Вазиятга қонун ҳужжатлари асосида жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Мехнат кодексининг 234-моддасига мувофиқ, ҳомиладорлик ва туғиши таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, бола 2 ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун, ана шу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланган ҳолда, таътил берилади.

Шунингдек, аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Мехнат кодексининг 234-моддаси 5-қисмига кўра эса болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади.

Бундан ташқари, ходим шу давр мобайнода истаган пайтда ишга тушиши, таътилдан қайтиши мумкин, иш берувчи унинг иш ўрнига кимни ишга олган бўлишидан қатъи назар, аёлга иш жойини бўшатиб бериши шарт.

Чунки бу иш ўрни шу аёлга тегишли бўлган ва у билан ҳали меҳнат муносабатлари давом этиб келмоқда.

Демак, келтириб ўтилган нормалар мазмунидан хulosса қилса бўладики, аёлнинг хоҳишига кўра, бу таътилини берилишини сўраб мурожаат этиши, ўз қарорини ўзгартириши ва шу давр мобайнида исталган вақтда таътилдан умуман воз кечиб ишга чиқиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак, юқоридаги нормаларда аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланиши тўғрисида қоида белгиланган, бироқ унга берилган ставка миқдори тўғрисида талаб мавжуд эмас, яъни ҳомиладорликдан қайтган ходимга ўша лавозими қайтарилади.

Ўқитувчига неча соат дарс ажратишни эса тегишли фан методика бирлашмаси ва педагогика кенгashi тавсия ва хulosаси асосида мактаб маъмурияти ҳал қиласди. Демак, дарс соатларини тақсимлашни мактаб маъмурияти ҳал этади.

48-савол. Штат қисқариши асосида меҳнат шартномаси бекор қилинганда компенсация тўлаш Ассалому алейкум. Сизларга берадиган саволим шундан иборат, мен коллежда ёрдамчи ҳисобчи лавозимига 1 августда ишга қабул қилиндим. Контингент камлиги сабабли мени штатимга қисқариши келди. Мени 1 сентябрдан сизни штатиз қисқарди деб ишдан бўшатишди. Ҳеч қанақа огоҳлантириш хати ҳам беришмади. Энди менга компенсация тўлаб беришадими.

Жавоб: Штатлар қисқариши натижасида ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳам (Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-банди) иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиш ҳисобланади.

Меҳнатшартномаси МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди бўйича бекор қилинганда қўйидагилар тўланади (Буларнинг ҳаммасини ходимнинг сўнгги иш кунида қилиш керак):

1. огоҳлантириш муддати алмаштирилган тақдирда - меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддати тугашигача қолган вақтга мутаносиб равишда пуллик компенсация (МК 102-моддасининг иккинчи қисми);
2. ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси (МКнинг 109-моддаси);
3. меҳнат шартномасини бекор қилиш кунига тегишли иш ҳақи (ҳисоб-китоб қилинади) (МКнинг 110-моддаси);
4. фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация (МКнинг 151-моддаси).
5. огоҳлантириш муддати давомида бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида 1 кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмасликни

Иш қидириш даврида (меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин) ишдан қисқартирилаётган ходимнинг ойлик ишдан бўшатиш нафақасини ҳисобга олган ҳолда ўртача ойлик иш ҳақи сақланади, бироқ у 2 ойдан ошмаслиги керак (МКнинг 67-моддаси).

Шуни ҳам айтиб ўтиш керак, агар Сиз меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб 10 календар кун мобайнида Марказда иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтсангиз, Марказ берган маълумотномага биноан 3-ой учун ҳам олдинги иш жойидан ўртача иш ҳақи олиш ҳуҳуқига эга бўлади.

Шуни унумтмангки, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш далиллари бўйича сиз ташкилотингиз ҳаракатларининг меҳнат қонунчилигига мувофиқлигини текшириш талаби билан Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига ёки меҳнат қонунчилигининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат ва кузатувни амалга оширадиган прокуратура органларига мурожаат қилишга ҳақлисиз.

III. МУЛКИЙ НИЗОЛАР

49-савол. Меросни тақсимлаш

Ассалом алайкум мурожаатим шуки менинг тоғам катта ўғил. Ота онасининг уйида қолган ва кенжакасига 8 сотихли ҳовли олиб берган. Аммо у яна улуш сурояти. Лекин ота ва онасининг васиятига кўра мерос катта ўғилнинг ўғлига мерос булиб қолди. 16 сотих ҳовли ота она фарзанди 6 та хаммаси 5 киши жияннага улушкини берди суд орқали судда 12/1 қисми кенжака ўғилга улущи чиқди лекин бир жойда яшаб жанжал қилиб тургани учун меросхур набира улушкидан қушиб булиш учун Самарқанд вилоят туманлараро судига ариза берди лекин имкони йўқ деб беришмоқда лекин кенжака тоғам жанжал қилиб қўймаябти вилоят ва туман пракратура адлия хеч бир орган ёрдам беролмаябди. илтимос маслаҳат берсаларингиз жавоб учун рахмат.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1150-моддасига мувофиқ, меросхўрлар ўртасида меросни тақсимлаш, ундан улуш ажратиш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда, тақсимот улардан исталган бирининг талаби бўйича суд тартибида амалга оширилади.

Агар 1/12 улушга эга кичик тоға билан мерос масаласини тинч йўл билан ҳал этиш имконияти бўлмаса, уйни мерос қолдирувчи вафот этгунга қадар - мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган катта тоғаси меросхўрлар мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа тураг жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзгор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиши сабабли судга Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1153-моддасига асосан даъво аризаси бериши керак. Даъво аризаси меросни натура шаклида олиш, 1/12 улущдаги меросхўрни улушкини пул шаклида ажратиш ҳақида бўлади. Суд даъвони қаноатлантирса, 1/12 улушни мерос қолдирувчи билан охирги 3 йил мобайнида яшаган меросхўрга қолдириб, унинг қисматини катта тоғадан кичик тоғага ундириб беради, 1/12 улуш катта тоғага ўтиб, кичик тоғанинг улушки тугатилади. Бунинг учун кичик тоғанинг розилиги шарт эмас.

50-савол. Эрнинг уйига хотиннинг эгалик ҳуқуқи

Ассалому алайкум мен 2018 йил турмушимдан ажраб, ҳозирда ота онам билан яшайман. Биз оиласда кўпчилик яшаймиз ота онам пенсионер. Менга сизлардан илтимосим шуки, турмуш уртоғим турган уй жойга эгалик кила оламанми ҳозир ҳам.

Жавоб: Эр-хотин ажрашган пайтда уларнинг умумий мулки ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Бу ҳолда улар келишувларини нотариал тартибида тасдиқлатишли мумкин.

Агар эр-хотин ажрашиш пайти мол-мulkни бўлишда ўзаро келиша олмаса, ўртада низо туғилса, мулқдан уларнинг улушкини аниқлаш учун судга мурожаат қилинади.

Судга ариза берилгач, суд эр-хотиннинг умумий мулкини бўлишда уларга тенг улушда тақсимлайди. Суд мулкнинг қайси қисми кимга берилишини аниқлайди. Агар кимгадир теккан мулк ошиқроқ қийматда бўлса, иккинчи томонни рози қилиши лозим. Пул бериши мумкин ёки бошқа бир кўринишда компенсация қилиши мумкин

Оила кодексида оиласидан муносабатлар тугатилганда, эр ва хотин никоҳдан аввал яшаган даврда ортирган мол-мulkни уларнинг шахсий мулки деб ҳисобланishi ҳам қайд қилинган.

Мисол учун, эр уйланмасидан аввал қурган иморат ёки сотиб олган машина унинг шахсий мулки ҳисобланади ва ажрашиш пайти бу мулклар тақсимланмайди.

Лекин ўртада никоҳ бўлгач, кўлга киритилган ҳар қандай мулк эр-хотиннинг умумий мулки ҳисобланади ва суд мулкни ўртада тенг тақсимлайди. Масалан, никоҳдан сўнг машина олинган бўлса, у иккала томоннинг ҳам мулки ҳисобланади. Суд буни тенг тақсимлаш йўлини ҳал қиласди. Машина бир томонга, машинага тенг қийматдаги бошқа мулк эса иккинчи томонга берилиши мумкин. Агар бунга томонлар рози бўлмаса, суд низони кимошди йўли орқали ҳал қилиши мумкин,

Шунингдек, қонунчилигимизда эр ва хотиндан бири уй-рўзфор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустакил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлиши қайд қилинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, никоҳ даврида қўлга киритилган барча мол-мулкка даъво қилишингиз мумкин.

51-савол. Ер ва мулк солиғини мунтазам тўлаш мулк ҳуқуқини вужудга келтирадими?

Якин қариндошим номидаги ерга, уйга ер ва мулк солиғини мунтазам б 6 йил мен тўласам мани номимга ўтиши мумкинми?

Жавоб: Ушбу ҳолатга кўра Сиз ер ва мол-мулк солиғини қариндошингиз учун тўлаганлигингиз айтилган. Сиз тўланган солиқ учун маблағни қариндошингиздан талаб қилишингиз мумкин, аммо қариндошига тегишли ерни ўз номингизга ўtkаза олмайсиз, чунки ер ва мол-мулк солиғини тўлаш мулк ҳуқуқини вужудга келтирмайди.

Фақатгина қариндошингиз ушбу ерни Сизга олди-сотди, ҳадя ёки бошқа шартнома асосида сизни номизга расмийлаштиришни хоҳласа, бу мумкин.

Қолаверса, Фуқаролик кодексининг 182 моддасига кўра “Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари куйидагилардан иборат:

- меҳнат фаолияти;
- мол-мулқдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти,
- шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкини хусусийлаштириш;
- мерос қилиб олиш; эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар” деб белгиланган.

Ушбу асослардан бири бўлсагина сиз ерга эгалик қилишингиз мумкин.

Агар Сиз қариндошингиз мулкини 15 йил давомида инсофли эгаллаб турсангиз ва бу вақт давомида қариндошингизнинг қариндошлари ёки қонуний меросхўрлари пайдо бўлиб унга эгаликни олишмаса у ҳолда Сиз мол-мулкка суд орқали мулк ҳуқуқини олишингиз мумкин бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Сиз қариндошингизнинг ерини ўз номингизга ўtkаза олмайсиз. Шу сабабли Сиз тўланган маблағни суд тартибида қариндошингиздан агар у бўлмаса унинг қонуний меросхўрларидан талаб қилишингиз мақсадга мувофиқ.

52-савол. Ёлғиз оналарга уй-жой ажратищдаги имтиёз

Юртбошимиз томонидан ёлғиз оналарга уй жой ажратиш бүйича енгиликлар берилган эди. 2 та фарзандим бор. 1 хоналик уйда тиқилишиб колдик. Мазкур саволимга жавоб берсангиз.

Жавоб: Ҳурматли фуқаро, Вазирлар Маҳкамасининг Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомига кўра уй-жойлар мулк ҳуқуқи асосида турар жойи йўқ, ижарада ёки яшаш учун яроқсиз уйда, бошқа оиласалар билан битта хонадонда яшайдиган, кўп болали, оиласининг даромади кам, оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган боласини парваришлаётган, кам таъминланган оиласада ёлғиз ўзи икки ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандларини тарбиялаётган хотин-қизларга имтиёзли равишда берилади.

Шунингдек, сил, тери-таносил касалликларининг оғир кўриниши, қандли диабетнинг йирингли яллиғланиши, псориаз каби касаллиги туфайли алоҳида хонада яшashi керак бўлган фуқаролар, оила аъзолари орасида биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, уй-жой майдони ижтимоий нормага мувофиқ бўлмаган, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз аёллар ҳам эндиликда имтиёзга эгадир.

Кўп квартирали уйлардан квартира сотиб олиш учун турар жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган жисмоний шахс худудий комиссияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- қарз олувчининг (бергаликда қарз олувчиларнинг) молиявий ҳолатини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган жисмоний шахснинг қўйида кўрсатилган мезонлардан бирига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар:

- ўз уй-жойининг йўқлиги ёки эскирган уйларда яшаш;
- бир уйда (бир квартирада) бошқа оила ёки бошқа оиласалар билан бергаликда яшаш;
- кўп болали оила;
- она (ота)нинг тўлиқ бўлмаган оиласада болани (болаларни) тарбиялаши;
- ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи алоҳида хонада яшашга муҳтоҷ бўлган шахсларнинг мавжудлиги;
- оила таркибида биринчи гуруҳ ногирони мавжудлиги;
- турар жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган турар жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги.
- таянч докторантуранинг 2-курсидан бошлаб, олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар.

Юқоридагилардан холоса шуки, иккита фарзандим бор деяпсиз. Ушбу фарзандаларингиз вояга етмаган бўлса (ёки юқорида белгиланган ҳолатлардан яна бир бошқаси мавжуд бўлса), ўзингиз яшайдиган жойдаги ушбу масалалар юзасидан ташкил этилган худудий комиссияга (ҳокимият биносида бўлади) юқорида келтирилган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ариза топширсангиз, улар вазиятни ўрганиб чиқиб ижобий холоса бериши мумкин.

53-савол. Мол-мulkни ҳадя ва vasият қилиш тартиби ва жараёни

Мол-мulkни ҳадя ва vasият қилиш тартиби, жараёни, талаб қилинадиган ҳужжатлар ҳақида тўлиқ маълумот берсангиз.

Жавоб: Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мulkни ёки бу мол-мulkка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси vasият деб эътироф қилинади.

Мерос қолдирувчи (мол-мulk эгаси) vasият қилаётган пайтида ҳар қандай мол-мulk, ҳатто ўзига тегишли бўлмаган мол-мulk тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган vasиятнома тузишга ҳақли (Фуқаролик кодексининг 1120-моддаси).

Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Шу сабабли ҳадя шартномаси ва vasият турли нарсалар ҳисобланади. Кўчмас мулк (масалан, квартира) ҳадя қилинганда у шартнома давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин мулкка ўтади. Бунда ҳадя қилингандан кейин ҳадя қилувчининг мазкур мол-мulkка нисбатан ҳеч қандай дахли қолмайди. Ва агар квартира ҳадя қилинса, ундан маҳрум бўлиш хавфи мавжуд. Мазкур ҳолда ҳадя олаётган шахснинг ҳалоллигига ишонч ҳосил қилиш керак, холос.

Vasиятнома расмийлаштирилаётганда эса мол-мulk унда кўрсатилган шахс мулкига vasият қилувчининг вафоти ва ворислик ҳуқуқлари расмийлаштирилгандан кейингина ўтади.

Ҳадя олевучи ҳадядан фақат у ўзига топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли (ФКнинг 503-моддаси).

54-савол. Эримни ҳадя қилинган ҳовлимизга ҳаққи борми?

Менинг дадам янги қурилган ҳовли жойларини менга ҳадя қилиб берганлар, турмуш ўртоғим ҳадя қилинган ҳовлимиздан улуш оламан деб мурожаат қилиб юрибди фуқаролик судига. 2010 йил турмуш курганмиз 2019 йил дадам уйимиз йўқлиги учун ҳовли жойни ҳадя қилиб бердилар. Эримни ҳадя қилинган ҳовлимизга ҳаққи борми?

Жавоб: Оила кодексининг 23-моддасига асосан:

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мulkлари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мulkлари, уларнинг биргалиқдаги умумий мулки ҳисобланади.

Мазкур кодекснинг 25-моддасига асосан Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мulk, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мulk улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Юкоридаги норма асосига кўра, эрингиз мулк талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

55-савол. Олти ой мухлат ичидаги ярашмасак мухлат тугаган пайтда мен эримдан фарзандим учун жой олиб беришни талаб қилсам бўладими?

Мен 2017 йил март ойида эрим билан жанжаллашиб ота онамнинг уйига келдим 2015 йил туғилган фарзандим билан бирга, эрим 2017 йили июл ойида ажрашишга даъво арзасини очди лекин ажрашишга сабаб топа олмай у аризани бекор қилди. Ундан кейин эрим сизларни олиб кетаман деб алдаб келди шу кунгача лекин 2020-йил 25 январ куни яна эрим ажрашишга даъво аризасини ёзди шу куни суд булиб ўтди ва

6 ой мұхлат берилди. Шу куни мен ўғлымни олиб әримнинг уйига бордим, лекин бизни кириптмай қайтариб юборди. Мен сен билан ажрашаман деди, мен ажрашмайман дедим. Айтингчи, 6 ой мұхлат ичида ярашмасақ мұхлат тугаган пайтда мен әримдан фарзандим учун жой олиб беришини талаб қылсам бўладими?

Жавоб: Оила кодексининг 45-моддасига мувофиқ “Агар суд эр ва хотиннинг бундан бўён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.”

Демак, ушбу тартибга кўра агар 6 ой муддат ичида ярашиш бўлмаса ва суд томонидан бундан бўён оилани сақлаб қолиш имкони мавжуд эмас деган хulosага келинса, у ҳолда никоҳдан ажратиш амалга оширилади.

Ажрим давомида суд томонидан эр ва хотин вояга етмаган болалари ким билан яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишга доир келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

Бу ерда ўзаро келишув асосида боланинг кимда қолиши, таъминот масаласи ҳал этилиши мумкинлиги айтилмоқда. Шу вазиятда турмуш ўртоғингиз билан келишувга эришиб, унинг мол-мул ёки ер беришига розилик олишингиз мумкин (албатта нотариал тасдиқланган келишув шартномаси асосида).

Бордию келишув бўлмаса, у ҳолда суд жараёнида:

- никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши;
- вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши;
- эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргалиқдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши;
- эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши каби масалалар ҳал этилади.

Ушбу жараёнда Сиз томонингиздан никоҳ давомида топилган мол-мулкни бўлиш бўйича умумий мулкни бўлиш доирасида топган мол-мулкингизни олишга нисбатан талаб қилишингиз мумкин бўлади.

Оила кодексининг 23-моддасига кўра Эр ва хотиндан бири уй-рўзфор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан teng ҳуқуқга эга бўлади. Яъни Сиз бола парвариши туфайли ишламаган бўлсангиз ҳам мол-мулкни бўлишда teng ҳуқуқга эгалитингиз сакланиб қолади.

Бундан ташқари, фарзандингиз турмуш ўртоғингизга нисбатан у вафот этган тақдирда ёки тириклигига ҳам қонуний меросхўрлари таркибига киради ва факат мерос билан боғлиқ иш очилгада (яъни турмуш ўртоғингиз вафот этган ёки васиятнома бойича бошқа шахсга ўз мулкни қолдирган тақдирда ҳам қонуний меросхўр сифатида меросдан улуш талаб қилишга ҳақли).

Юқоридагилардан хулоса қиласиган бўлсак, Сиз фарзандингиз учун тўғридан-тўғри ер ёки бошқа мулк талаб қила олмайсиз. Аммо мол-мулкни бўлиш, алимент олиш доирасида ушбу талабни қўйишингиз мумкин. Қолаверса, турмуш ўртоғингиз Сизни уй-жойга киритмаётган бўлса ушбу уй-жойга мажбурий киритиб қўйишини ҳам суддан сўрашингиз мумкин. Чунки ҳали қонуний никоҳдасиз ва мол-мулк ҳам ўзаро бўлинмаган.

IV. АВТОТРАСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА КАРАНТИН БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

56-савол. Жамоат жойлари деганда нима тушунилади?

Жамоат жойларида никобсиз бўлганда жарима қўлланилишини ҳақида айтилмоқда. Жамоат жойлари деганда қаерлар тушунилади?

Жавоб: Қонунчиликка мувофиқ, қуйидагилар жамоат жойлари ҳисобланади

- стационар савдо обьектлари, умумий овқатланиш корхоналари;
- кинотеатрлар, театрлар, цирклар, концерт, кўрик ва кўргазма заллари ҳамда оммавий дам олиш учун ёпиқ иншоотлар;
- клублар, дискотекалар, компьютер заллари, Интернет хизматлари кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёхуд бошқа кўнгилочар жойлар;
- музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва маърузахоналар;
- маҳаллий ва узоққа қатнайдиган поездлар, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонлари, дарё кемалари, шаҳар, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро қатнайдиган автобуслар, таксилар, йўналишили таксилар ҳамда шаҳар электр транспорти, ҳаво кемалари;
- ер ости ўтиш жойлари, транспорт бекатлари ва автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари;
- аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг бинолари;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бинолари;
- соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ва ташкилотлари, таълим муассасалари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари;
- иш жойлари бўлган хоналар;
- кўп квартирали уйларнинг йўлаклари, шунингдек уйлар олди ҳудудида жойлашган болалар ва спорт майдончалари;
- хиёбонлар, боғлар, кўчалар ва бошқа жойлар.

57- савол.

Ҳайдовчиларга ҳаракатланиш тезлиги билан боғлиқ қандай ҳаракатлар таъқиқланади?

Жавоб: Ҳайдовчиларга ҳаракатланиш тезлиги билан боғлиқ қуйидаги ҳаракатлар таъқиқланади:

- тезликни мазкур транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган энг юқори тезлиқдан ошириш;
- тезликни транспорт воситасига ўрнатилган “Тезлик чекланган” таниқлик белгисида кўрсатилганидан ошириш;
- зарурият бўлмаганда жуда паст тезлиқда ҳаракатланиб, бошқа транспорт воситаларига халақит бериш;
- йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш зарурияти бўлмаганда кескин тормоз бериш.

58-савол. Каратин қоидаларига риоя қылмаганлик учун белгиланган жаримани камайтириш мүмкінми?
Үйга у-бу рұзғор қилиш учун үзимга тегишили машинамда күчага чиқсан әдім, ГАИ ва СЭС ходимларини рейдига тұғри келиб қолдым, каратин сабаблы чеклов бор деб менга жарима белгилашди ва машинамни жарима майдонига тиқиб қўйишди. Айтингчи, қандайдир енгилроқ томони борми, жаримани қандай камайтириш мүмкін. Имкони борми жаримани?

Жавоб: Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодекснинг янги – 332-1-моддасига асосан, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тұғрисидаги қарор топширилған кундан бошлаб ўн беш кун ичиде жарима миқдорининг 70 фоизини ихтиёрий равища тұлғаган тақдирда, у жариманинг қолған қисмини тұлашдан озод қилинади. Демек, Сиз агар маъмурий жарима құллаш тұғрисидаги қарорнинг бир нұсхасини олган вақтингиздан бошлаб 15 кун ичиде жариманинг 70 фоиз қисмини ихтиёрий равища тұлғасанғиз, қолған 30 фоизлик қисмини тұлашдан озод этилишингиз мүмкін.

59-савол. Короновирусга чалинган ёки карантинда бўлган шахсларни камситганлик учун жавобгарлик Ассалому алайкум. Короновирусдан тузалган ёки карантинда бўлган шахсларни камситган шахсларга нисбатан қонунчилигимизда қандай жавобгарлик белгиланган?

Жавоб: Конституциямизга кўра, ҳеч ким инсон қадр-қимматини камситувчи тазиикә дучор этилиши мүмкін эмас. Ҳар бир фуқаро ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётiga аралашибдан қонун билан ҳимояланган.

Короновирусдан тузалган ёки карантинда бўлган шахсни ҳақорат қилғанлик, шаъни ва қадр-қимматига пурт етказғанлик, камситганлик учун – БХМнинг 20 бараваридан 40 баравариюгача маъмурий жарима белгиланган.

Агар, маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг ушбу қилмиш такроран содир этилса, шахс жиной жавобгарликка тортилади.

**60-савол. Автотранспорт воситасига давлат рақами муддати
Автотранспорт воситасига неча кунда давлат рақами олиш керак?**

Жавоб: Автотранспорт воситасининг олди-сотди (ҳадя қилиш, айирбошлаш) шартномаси нотариал тартибда тасдиқланғандан сўнг ушбу автотранспорт воситаси 10 кун ичиде эгасининг доимий яшаш жойидаги Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматида (ЙҲҲДҲ) рўйхатдан ўтказилиши ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси (РЎДРБ) олиниши лозим.

**61-савол. Автотранспорт воситасини ишончномаси бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахслар
Автомашинани кимлар ишончномасиз бошқариши мүмкін?**

Жавоб: Транспорт воситаси эгасининг қуйидаги қариндошлари транспорт воситасини ишончномасиз бошқариши мүмкін:

- ота-онаси;
- эри (хотини);
- болалари;
- ака-укалари;
- опа-сингиллари.

Ушбу яқин қариндошлар ҳақида маълумот (фамилияси, исми, отасининг исми, қариндошлик даражаси) транспорт воситаси эгасининг суғурта полисида кўрсатилған бўлиши керак.

62-савол. Автомобилимни ёнимда ўтириб бошқа бирор бошқариши мумкинми?

Ассалому алайкум, мен доверенность орқали машина бошқараман, сурхурта чекловсиз, зарур бўлган холатда ёнида ўтириб бошқа бирорга машинани ҳайдатишим мумкинми?

Жавоб: Ҳа, мумкин. Бирор шарти бор. Тушунтирамиз.

Тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига, унинг талонига, вақтинчалик рухсатномага эга бўлган шахс, ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини, унинг эгаси ёнида бўлганида ёхуд тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ёки эгалик қилишга, фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган шахс иштирокидагина (уларнинг розилиги билан) бошқариши мумкин.

Бирор ушбу шахс автомобилингизни бошқариши учун қуйидаги иккита шартга амал қилиш лозим: сурхурта чексиз бўлиши; транспорт воситасини бошқараётган шахс сурхурта полисида кўрсатилган бўлиши лозим.

Агар шу иккита шартдан бири ва ҳамроҳингизда ҳайдовчилик гувоҳномаси, унинг талони, вақтинчалик рухсатномаси мавжуд бўлса унга автомобилингизни ёнинингизда бошқариб кетиши учун ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас.

63-савол. Автомотранспорт воситаси эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар

Автомотранспорт воситаси эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга нималар киради?

Жавоб: Автомотранспорт воситаси эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга қуйидагилар киради: а) жисмоний шахслар учун – жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – фуқаролик паспорти; 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – туғилганлик ҳақида гувоҳнома; Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун – ички ишлар органларининг прописка тўғрисидаги ёки ҳарбий қисмларнинг уй ажратиш тўғрисидаги маълумотномасини илова қилган ҳолда ҳарбий қисм ёки ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно); фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ички ишлар органларининг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган жойи ҳақидаги белгиси қўйилган Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

64-савол. Махсус товуши ишоралар берувчи мосламалар ўрнатиш қайта жиҳозлаш ҳисобланадими?

Жавоб: Ҳа, бу ўзгартириш автомотранспорт воситаси қайта жиҳозланган деб топиш учун асос бўлади. Автомотранспорт воситасининг кузови ҳамда деталларини ўзгартириш яъни транспорт воситаларига ялт-ялт этувчи чироқ-маёқча ва (ёки) махсус товуши ишоралар берувчи мосламалар ўрнатиш автомотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ҳисобланади. Эслатиб ўтамиш: автомотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома ЙХХББ томонидан 1 йил муддатга берилади.

65-савол. Ярим тиркамани тиркамага ўзгартириш қайта жиҳозлаш ҳисобланадими?

Жавоб: Ҳа, бу ўзгартириш автомотранспорт воситаси қайта жиҳозланган деб тан олинади. Автомотранспорт воситасининг кузови ҳамда деталларини ўзгартириш яъни ярим тиркамани тиркамага ўзгартириш қайта жиҳозлаш ҳисобланади. Эслатиб ўтамиш: автомотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома ЙХХББ томонидан 1 йил муддатга берилади. Эслатиб ўтамиш: автомотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома ЙХХББ томонидан 1 йил муддатга берилади.

V. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАЛАРИ

66-савол. Бола туғилгани учун бериладиган нафақа (суюнчи пули)

Бола туғилгани учун бериладиган суюнчи пулининг миқдори қанча ва қай тартибда олинади?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра бола туғилганлиги учун тўланадиган нафақа:

- ишлаётган аёлларга – иш жойидан;
- таълим олаётган аёлларга – ўқиш жойидан;
- ўқимайдиган ва ишламайдиган аёлларга – эри ишлайдиган ёки ўқийдиган жойидан;
- ўқимайдиган ва ишламайдиган ота-оналарга – Пенсия жамғармаси томонидан тўланади.

Мазкур нафақани олиш учун ФХДЁ бўлими томонидан берилган боланинг туғилганлик ҳақидаги маълумотномасини топшириши лозим. Мазкур маълумотнома ФХДЁ бўлими томонидан туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома билан бирга тақдим этилади. Нафақа олиниши учун маълумотнома нафақани тўловчи органга 6 ой ичida топширилиши керак. Ушбу муддат ўтгандан кейин нафақа тўланмайди.

Бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа (суюнчи пули) БҲМнинг 2 баравари миқдорида тўланади.

Агар маълумотнома йўқотиб қўйилса, иш, ўқиш жойидан нафақа олинмаганлиги тўғрисидаги маълумотномага асосан ФХДЁ бўлимидан такроран маълумотнома олиш лозим бўлади.

Бола ўлик туғилган ҳолларда нафақа тўланмайди.

67-савол.

Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам қанча муддатга тайинланади?

Жавоб: Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан болали оилаларга нафақа (14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа) ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа (бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси) 12 ой муддатга тайинланади, бироқ бола тегишлича ўн тўрт ёки икки ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади.

68-савол.

Икки ёшга тўлмаган уч нафар фарзандим бор. учаласига ҳам нафақа олсан бўлади?

Жавоб: Йўқ, буни имкон мавжуд эмас. Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра агар бир оиласда туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ва ундан ортиқ икки ёшга тўлмаган болалар парвариш қилинса, у ҳолда бола парвариши бўйича нафақа бир фарзанд учун белгиланган миқдорда кичик бола икки ёшга тўлгунига қадар тўланади.

69-савол.

Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдамнинг барчасини бир вақтда олиш мумкинми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас. «Ягона реестр» АТ томонидан кам таъминланган деб эътироф этилган оила болали оилаларга тўланадиган нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга. Бунда болали оилаларга тўланадиган нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдамнинг бир турига қўшимча равишда компенсация ҳам тайинланади ва тўланади. Эслатиб ўтамиш! Туман (шаҳар)ларнинг маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам ва компенсация тўловларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

70-савол.

Қандай оила кам таъминланган оила деб эътироф этилади?

Жавоб: Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра Оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўғри келадиган бир ойлик ўртacha жами даромадга эга бўлган оила кам таъминланган оила деб эътироф этилади.

71-савол.

Кимлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчилар бўлиши мумкин?

Жавоб: Маълумки, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ушбу Низомда белгиланган тартибда ариза берувчи мурожаат қилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Оиланинг муомалага лаёқатли исталган аъзосидан бири (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс, 18 ёшга тўлган, ўз оиласига эга бўлмаган (ота-онаси, улардан бири ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс билан бирга яшовчи) фарзанди (ёки оиланинг фарзандликка олинган боласи ёхуд васийликка олинган шахслар) ариза берувчи бўлиши мумкин.

72-савол. Ижтимоий нафақани узайтириш

Ижтимоий нафақа яъни 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ва бола икки ёшга тўлгунинг қадар уни парвариш қилиш нафақаси муддати тугамоқда. уни яна узайтириши мумкинми?

Жавоб: Ҳа, буни имкони мавжуд. Бола парвариши бўйича нафақани олишни давом эттиришга муҳтоҷ бўлган шахс (ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан бири) тўловнинг олдинги 12 ойлик муддати тугашидан бир ой олдин ушбу нафақани бола икки ёшга тўлгунинг қадар узлуксиз тўланишини давом эттириш масаласини ҳал этиш учун аризани белгиланган тартибда такroran бериш ҳуқуқига эга.

Болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тўлашнинг белгиланган муддати тугагач, ариза берувчи ушбу нафақа ёки моддий ёрдам тўланишини янги муддатга давом эттириш учун ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун ариза олдинги даврда тайинланган ушбу нафақани ёки моддий ёрдамни тўлаш муддати тугаётган ойдан кейинги ойда берилади. Такrorий мурожаатлар умумий белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

73-савол. Вақтингча яшаш манзилим бўйича ҳам моддий ёрдам олиш

Вақтингча яшаш манзилим бўйича ҳам моддий ёрдам олсан бўладими? Махалла раиси буни рад этмоқда.

Жавоб: Ҳа, бу учун тўсиқ мавжуд эмас. Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа ёхуд моддий ёрдам тайинлаш учун ариза зарур хужжатлар билан бирга бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтингча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади ва рўйхатга олинади.

Ариза фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан маҳсус рўйхатга олиш дафтарига қайд этилади, бунда аризанинг берилган санаси, ариза берувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва яшаш манзили, шунингдек, олиш истагини билдирган нафақа ёки моддий ёрдам тури кўрсатилади.

74-савол. Моддий ёрдам кимга берилади?

Бир ойлик ўртача даромадимиз 1 млн сўм чиқди. Энди бизга моддий ёрдам тўланмас экан. Шу асослими?

Жавоб: Ҳа, асосли. Оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромадга эга бўлган оила кам таъминланган оила деб эътироф этилади.

Ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан ошганда оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.

75-савол. Номида кўчмас мулк бўлган шахсга нафақа тайинлаш

Менинг номимда иккита кўчмас мулк яъни уйим бор. Нафақа тўлаш рад этилиш мумкинми?

Жавоб: Ҳа, бундай ҳолатларда ижтимоий нафақа тўлаш рад этилиши мумкин. Идоралараро электрон ахборот тизими орқали олинган маълумотлар бўйича Кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида жами биттадан ортиқ кўчмас мулки ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жой бинолари мавжуд бўлганда оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.

76-савол. Номида эски автомобил бўлган шахснинг нафақа олиши

Номимда автомобилим бор. Ишлаб чиқарилганига 10 йил бўлган. Техник ҳолати ҳам кониқарсиз аҳволда.

Шу сабаб билан ҳам моддий ёрдам ололмаслигим мумкинми?

Жавоб: Йўқ, бу ҳолатда сизга нафақа тўланади деб ҳисоблаймиз. Чунки кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 19-бандига асосан ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида қонун хужжатларида белгиланган тартибда ўз номига расмийлаштирилган ёки бош ишончнома асосида фойдаланилаётган ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжуд бўлсагина оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситалари мавжуд бўлган ҳолатларда ҳам оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.

77-савол. Турмуш ўртоғи Миллий гвардияда ишлайдиган шахснинг нафақа олиши

Турмуш ўртоғим миллий гвардияда ишлайди. Мен ҳам моддий ёрдам учун ариза бергандим. Бироқ рад этилди. Шу асослими?

Жавоб: Ҳа, бу асосли деб ҳисоблаймиз. Чунки кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 19-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати давлат қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидағи ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари) томонидан аризалар тақдим этилганда оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.

78-савол. Ишсизлик нафақаси олиб турган шахснинг бола пули олиши

Фарзандим ишсизлик нафақасини олади. Шу туфайли икки ёшгача бола пули берилмаяпти. Шу асослими?

Жавоб: Ҳа, бу асосли. Чунки кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 19-бандига асосан оилада меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.

79-савол. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оловчи шахснинг жами даромадларига ушбу пенсия кирадими?

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оламан. Бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқиша ҳисобга олинадиган оиланинг жами даромадига ушбу пенсия ҳам киритиладими?

Жавоб: Йўқ, киритилмайди. Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 22-бандига асосан пенсиялар ва нафақалар бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқиша ҳисобга олинадиган оиланинг жами даромадига оила томонидан олинган қуйидаги даромадлар киритилади.

Бироқ, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда оила олаётган болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам, компенсация, ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси, болалиқдан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ва 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақа, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқали бериладиган бола туғилганлиги ҳамда дағн этиш маросими учун бир йўла тўланадиган нафақа, таълим муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар, меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқароларга тайинланадиган ва тўланадиган моддий ёрдам, меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида тўланган стипендия бундан мустасно яъни бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқиша ушбу даромадлар оиланинг жами даромадига киритилмайди.

80-савол. Даромад ҳақида маълумотноманинг йўқлиги нафақа олиш учун ариза беришга тўсқинлик қилмайди

**Уч ёшга тўлмаган фарзандим бор. Даромадинг ҳақида маълумотнома йўқ деб аризамни рад этишиди.
Ушибу ҳолат асослими?**

Жавоб: Йўқ, бу ҳуқуқий асосга эга эмас. Аслида даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда меҳнат органларида ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлганда оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.

Бироқ кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 19-бандига асосан ушибу қоида бола уч ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилувчи оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) татбиқ этилмайди.

VI. ТУРЛИ МАСАЛАЛАР

81-савол. Таълим кредити

Таълим кредити кимларга ва қай тартибда берилади?

Жавоб: Банклар томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун уларнинг ўзларига, ота-оналари ёки васийларига таълим кредитлари берилиши мумкин

Таълим кредитлариталабалар учун бакалавриатга ўқишга қабул қилинганда 10 йилгача ва магистратурага ўқишга қабул қилинганда 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Банклар томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

- чин етимлар, “Мехрибонлик уйлари” да тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гурӯҳ ногиронларига – ноль фоиз ставкаси (фоизсиз кредит);
- талабаларнинг қолган тоифаларига – Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкалари белгиланади.

Таълим кредити учун банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ариза;
- тўлов-контракт шартномаси (контракт);
- кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;
- имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, «Мехрибонлик уйлари» да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гурӯҳ ногиронлари, кам таъминланган оиласардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айни бир вақтда паспортини шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

82-савол. Талабанинг ҳарбий хизмат ўташи

Мен хозирда 3 курсда ўқийман. Мен талаба бўлиб ҳам бир ойлик хизматга борсам бўладими ёки ўкишини битиришим лозимми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонун мавжуд. Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши ва ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Олий таълим муассасаларидаги таълимнинг кундузги ва кечки шаклида таҳсил олаётган талабалар ўз розилиги билан сафарбарлик чақируви резерви хизматига олиниши мумкин. Бунда талабалар бир ойлик ҳарбий йиғинларни ўташга июль-августда жалб этилади.

Демак, сиз талаба бўлган тақдирингизда июль-август ойларида бир ойлик ҳарбий хизматни ўташингиз керак

**83-савол. Хорижий университет талабасининг ўқишини Ўзбекистонга кўчириш
Ассалому алейкум мен Тоҷикистон Республикасида 5 ийллик ўқишида 1 курс рус тили иўналишида сиртқи
таълим шаклида ўқийман Ўзбекистонга перевод қилсан бўладими менга имтиёзлар борми?**

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги низомга кўра хорижий фуқароларнинг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш (тиклаш) сұхбат асосида амалга оширилади. Уларнинг тўлов-контракт маблағлари миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ҳамда бу борадаги комиссиялар фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда олий таълим муассасаларнинг сайтларида алоҳида маълумотлар базаси ташкил этилади.

Маълумотлар базаси мазкур Низом, ҳудудий ишчи гурӯҳлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхати ва уларга топшириладиган ҳужжатлар намуналари, хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишини кўчирмоқчи бўлганлар учун синовларни ўтказиш муддатлари, манзили акс эттирилган жадвалдан ташкил топади.

Қўйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш Давлат комиссияси қарори билан амалга оширилади:

- хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлган олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига;
- бир олий таълим муассасаси доирасида ёки бир вазирлик ёки идора ёхуд турли вазирликлар ва идоралар тизимида олий таълим муассасаларига олий таълимнинг турдош бўлмаган таълим йўналишларига ва истисно тариқасида мос бўлмаган мутахассисликларига.

Қўйидаги ҳолатлар фуқаронинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ҳақидаги аризасига рад жавоби берилишига асос бўлади:

- кечки (сменали) таълимдан сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимга ҳамда кечки (сменали) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчи таълим соҳасига;
- сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимдан кундузги таълимга ҳамда сиртқи (маҳсус сиртқи) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчи таълим соҳасига;
- бир таълим шаклидан маҳсус сиртқи таълим шаклига ҳамда маҳсус сиртқи таълим шаклидан бошқа таълим шаклига.

Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини кўчириш бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш қўйидагича амалга оширилади:

- ўқишини кўчириш бўйича аризаларни тақдим этиш – ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар амалга оширилади;
- аризаларни олий таълим муассасаси, тегишли вазирлик (идора) ёки Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш – ҳар йили 5 августдан 30 августга қадар амалга оширилади.

Ўқишини кўчириш истагини билдирган фуқаро қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- кўчириш (қайта тиклаш) ни истаган таълим йўналиши (мутахассислиги),
- ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада ўқиган олий таълим муассасаси ва таълим йўналиши (мутахассислиги),

- таълим шакли, мақсадли қабул бўйича ўқишига кирмаганлиги,
- кўчириш (қайта тиклаш) сабаблари, кўчириш (қайта тиклаш) қоидалари билан танишганлиги кўрсатилади;
- талабанинг рейтинг дафтарчаси ёки белгиланган шаклдаги академик маълумотнома нусхалари;
- паспортнинг нусхаси.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сизга хорижий фуқаро сифатида ўқишингизни Ўзбекистонга кўчириш учун албатта мутахассислик ва таълим шакли бир-хил бўлган университетга топширишингиз мумкинлигини маълум қиласиз.

84-савол. Талаба – ходиаларга бериладгина имтиёзлар

Талаба-ходимларга қонунчиликда қандай имтиёзлар назарда тутилган?

Жавоб: Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш ҳукуқига эгадирлар.

Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда ўқиётгандарга йиллик таътилларни иш берувчи уларнинг хоҳишига кўра имтиҳонлар ва лаборатория-имтиҳон сессиялари вақтига тўғрилаб бериши шарт.

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар диплом лойиҳасини (ишини) бажариш ёки битирув имтиҳонлари топширишдан олдинги ўн ўқув ойи давомида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиладилар.

Иш ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишдан озод этиладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради, ишдан озод этиладиган соатлар миқдори эса сақланиб қолади.

85-савол. Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик

Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қандай жавобгарлик бор?

Жавоб: Қонунчиликка кўра, ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий инфратузилма обьектларига тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув, шаҳарлараро автомобиль транспортидан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича талабларни бажармаслик, мансабдор шахсларга БХМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳукуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилса, мансабдор шахсларга БХМнинг 15 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**86-савол. Ҳокимият вакилининг қонуний талабини бажармаслик жавобгарлика сабаб бўлади
Ҳокимият вакилининг қонуний талабини бажармаслик қандай жавобгарлика сабаб бўлади?**

Жавоб: Ҳокимият вакили бу - давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш маъмурий жавобгарликка яъни, фуқароларга БХМнинг ярим бараваридан 1 бараваригача, мансабдор шахсларга БХМнинг 1 бараваридан 2 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарликни такрор содир этганлик, фуқароларга БХМнинг 2 бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга БХМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

87-савол.

Маъмурий жавобгарлика тортилган шахс судланган ҳисобланадими?

Жавоб: Йўқ, судланган ҳисобланмайди. Шунингдек, Ўзбекистон Руспубликаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасига мувофиқ, башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 77-моддасида судланганлик ҳолатига таъриф берилган. Унга кўра, шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат бу судланганлик ҳисобланади. Яъни, шахс Жиноят Кодекси билан тақиқланган ва тартибга солинган ижтимоий хавфли қилмишни (жиноятни) содир этиб, унга нисбатан тергов (суроштирув) ҳаракатлари олиб борилиб, айлов хулосаси (далолатномаси) тузилиб, жиноят ишини суд мухокамаси, тергови, музокарасида кўриб чиқиб, шахсни айбли деб топиш масаласи кўрилиб, сўнг унга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли нормасига асосан содир этган қилмишига биноан ҳукм тайинланиб, ҳукм қонуний асосларда кучга кирганидан сўнг шахс судланган деб ҳисобланади.

88-савол. “Бир йиллик” армияга кетаётган ходимга бериладиган кафолатлар

1 йиллик ҳарбий хизматга кетаётган ходимларга қандай имтиёз ва кафолатлар назарда тутилган?

Жавоб: Мехнат шартномаси асосида ишлаб турган ва 1 йиллик ҳарбий хизматга кетаётган ходимлар ўзингиз билан тузилган меҳнат шартномасини Мехнат кодекси 99-моддаси ўз хоҳишингиз билан эмас, балки Мехнат кодекси 106-моддаси ҳарбий хизматга кетиши муносабати билан бекор қилинг.

Бунда сиз қўйидагиларни ютқизмайсиз:

- Қайтиб келгач узоғи билан уч ой ичидан иш берувчига мурожаат қилиб олдинги ишингизга жойлашиш ҳуқуқига эга бўласиз; МК 68-модда
- Хизматдан қайтиб келиб ишга кирганингиздан кейин 6 ой ўтмасдан таътил олиш ҳуқуқига эга бўласиз; МК143-модда
- Ҳарбий хизматни ўтаётган пайтингизда хотинингиз иш жойидан оладиган таътили юзасидан имтиёзга эга бўлади; МК 144-модда
- Хизматга кетишдан олдин олиб бўлган таътилингиз пули компенсация қилиниб иш берувчи томонидан қайтариб олинмайди. МК 164-модда.

**89-савол. Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш ҳоллари
Истеъмолчиларни қандай ҳолатларда электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш мумкин?**

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги 484-сон қарори “Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисида” ги Низомга асосан истеъмолчилар қўйидаги ҳолларда электр ва газ тармоғидан узиб қўйилиши мумкин:

- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда, шу жумладан ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун қарздорлик мавжуд бўлганда;
- Бюро талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан унинг вакилларига электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларига кўрсаткичларни олиш учун рухсат этилмаганда;
- электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;
- электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда.

Бошқа ҳолатларда истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш мумкин эмас.

90-савол. Банкка қўйилган омонатни олиш

Мен 2000-йил октябр ойида туғилганман. 2001-йилда нафақа пулидан халқ банкига омонат пули қўйилган экан. Шу пулни энди олсан бўладими. Омонат шартномаси йўқолган. Қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосан банк омонатининг икки тури: муддатли ва талаб қилиб олингунча қўйиладиган омонат турлари мавжуд. Сиз муддатли омонат қўйган бўлсангиз Фуқаролик кодексининг 762-моддаси 7-қисмига асосан муддатли омонат муддати тугаганидан кейин қайтариб олинмаса, талаб қилиб олингунча қўйилган ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 331-моддасига асосан, шахс пул маблағлари қўйилганлиги ҳақида ёки қимматли нарсалар ёхуд давлат заёми облигациялари сақлаш учун топширилганлиги тўғрисида банк томонидан тақдим этувчига берилган қийматли ҳужжатни йўқотган тақдирда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, суддан йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ва йўқолган ҳужжат бўйича ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида илтимос қилиши мумкин.

Иш тақдим этувчига деб ҳужжат берган муассаса жойлашган ҳудуддаги суд томонидан кўриб чиқилади.

Аризада ҳужжат қандай вазиятда йўқолганлиги, тақдим этувчига деб ҳужжат берган муассасанинг, ҳужжатнинг номи кўрсатилган бўлиши, ҳужжатнинг алоҳида белгилари ва йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги илтимос баён қилиниши керак.

91-савол. Чиқиндиларни олиб кетиш бўйича шартнома тузиш шартми?

Бизнинг корхонамиз ўзига тегишили бўлган кўчмас мулк, биносидаги офис хоналарини тадбиркорларга ижарага бериш билан шуғулланади, Чилонзор туманида жойлашганмиз. Бизга тушунтириб берсангиз, биз чиқиндиларни олиб кетиши бўйича “Махсус транс” корхонаси билан шартнома тузишимиш шартми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 95-сон қарори билан “Қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш қоидалари” тасдиқланган.

Мана шу Қоидаларнинг 6-бандида шундай нормалар мавжуд:

- кўчмас мулкдан фойдаланилганда майший чиқиндилар пайдо бўлишига олиб келувчи юридик шахслар ва якка тартиbdаги тадбиркорлар майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлардан фойдаланиш учун мазкур кўчмас мулк хизмат кўрсатиш зонасида жойлашган хизмат кўрсатувчи ташкилот билан шартнома тузадилар;
- кўчмас мулк эгаси ёки мулкдори (юридик шахс ёки якка тартиbdаги тадбиркор) нинг майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун мўлжалланган маҳсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлган тақдирда, кўчмас мулк эгаси ёки мулкдори қаттиқ майший чиқиндиларни жойлаштириш ва кўмиш учун ихтисослаштирилган қаттиқ майший чиқинди полигонига эга бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилот билан шартнома тузади.

Ўйлайманки, Сизда иккинчи ҳолат мавжуд эмас, яъники, ташкилотингизда майший чиқиндини ташийдиган маҳсус транспорт йўқлигига ишончим комил.

Демак, биринчи қоидага эътибор берсак, кўчмас мулк жойлашган ҳудуддаги санитар тозалаш корхонаси билан майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги шартнома тузиш кўчмас мулк эгаси ёки фойдаланувчиси ҳисобланган хўжалик субъекти учун алоҳида бир талаб ҳисобланади.

Менинг ҳам юрист, ҳам эколог сифатидаги позициям шундай: майший чиқиндилардан тартибсиз фойдаланиш атроф муҳитга ва инсон саломатлигига ўта жиддий зарар етказиши мумкин, шу сабаб ҳам, экология соҳасидаги тартиботлар қатъий булиши керак.

Шунинг учун ўз кўчмас мулкидан майший чиқинди чиқарадиган субъектлар майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жойдаги хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартнома тузишлари, шу орқали атроф-муҳитга чиқиндиларни ноқонуний жойлаштирилишига йўл қўймаслик яна тақрорлайман, бу ҳуқуқ эмас, балки талаб ҳисобланади.

Албатта, шартнома тузилиши керак, агарда хизмат кўрсатувчи томонидан майший чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш масаласида сусткашлик бўлаётган, ёки сифатсиз хизмат кўрсатилаётган бўлса, шартномага қаранг, ундаги пенъя, жарима ва етазилган зараварларни ҳамда сифатсиз хизмат учун ўтказилган пул маблағларини талабнома-даъво тартибида тўлиқ ундириб олишингиз мумкин.

Айнан мана шу ҳолатда майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишда шартнома тузиш билан боғлиқ талаблар, майший чиқиндиларни тўплаш ва ташишга оид талаблар эканлигини тўғри англашимиз керак, бу талабларга риоя этмаслик эса, қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91-моддасига асосан:

- майший чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
- худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказган бўлса, – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

92-савол. Топилма учун мукофот

Топилма учун қанча миқдорда мукофот олиш мүмкін?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 192-моддасига асосан йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт.

Топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида ички ишлар органига, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

Агар йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс топилма тўғрисида ички ишлар органига ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайтдан эътиборан 6 ой мобайнида аниқланмаса ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади.

Ашёни топиб олган шахс уни олишга ҳақли бўлган шахсдан топилма учун ашё қийматининг 20 фоизига қадар миқдорида мукофот талаб қилишга ҳақлидир.

93-савол. Тиббиёт никобини сотиш ва унинг солиққа тортилиши

Озиқ-овқат савдо дўйонимда тиббиёт никобини сотсам бўладими? Никоблар учун қанча миқдорда солиқ тўлайман?

Жавоб: Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи асосан Республикаизда никоблар, тиббий буюмлар рўйхатидан чиқарилди ва уни сотиш учун лицензия талаб этилмаслиги белгиланди.

Бу дегани, эндиликда юридик шахсми ёки якка тартиbdаги тадбиркорларми, улар хам фаолият туридан келиб чиқиб, тиббий никоблар сотиши мүмкин.

Тиббий никоблар учун қўшилган қиймат солиғи солинмайди.

94-савол. Вилоят эндокринология марказига йўлланма олиш

II гурӯҳ ногирониман, 12 йилдан бўён қандли диабетдан даволанаман. Вилоят эндокринология марказига йўлланма олиш учун оиласвий поликлиникага мурожаат қилгандим. Лекин натижга бўлмаяпти. Нима қилишим керак?

Жавоб: Мижозларнинг тиббий ёрдам олишнинг даражасига мувофиқ тиббий ёрдам олиш учун йўналтириш қўйидаги тартибда амалга оширилади. Қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ ва шаҳар оиласвий поликлиникалари томонидан – тиббиёт бирлашмаларининг тегишли марказий кўп тармоқли поликлиникаларига йўлланма берилади. Бунда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича диспансер рўйхатида турган мижозларга йўлланмалар тўғридан тўғри касаллик ихтисослиги бўйича тегишли вилоят тиббиёт ташкилотларига берилиши мүмкин. Тиббиёт бирлашмаларининг тегишли марказий кўп тармоқли поликлиникалари томонидан – тиббиёт бирлашмаларининг тегишли стационар бўлинмаларига ёки вилоят даражасидаги тиббиёт ташкилотларига йўлланмалар берилади. Вилоят даражасидаги тиббиёт ташкилотлари томонидан – республика даражасидаги тегишли тиббиёт ташкилотларига йўлланма берилади. Демак, агар сиз касаллигиниз бўйича диспансер рўйхатида турсангиз, сизга йўлланма оиласвий поликлиникадан берилиши мүмкин. Агар диспансер рўйхатида бўлмасангиз бу борада ўз ҳудудингиздаги марказий кўп тармоқли поликлиникага мурожаат қилишингиз керак.

95-савол. Телефонга келадиган ҳар хил смсларни тұхтатиши

Телефонга келадиган ҳар хил смс рассилкалар жонга тегіб кетади. СМС жүннаттаётган фирмаларга телефон қилиб, жүннатманглар дейілса ҳам барибир жүннатаверади. Шу соңда фуқароларни қанақадып ҳуқуқлари борми? Уларни судға бериш ёки фойдаланишимиз мүмкін бўлган қонунларга асосланиб ўчиртирса бўладими?

Жавоб: Қонунчиликка юзланишдан олдин Сизга қуйидаги қулайроқ ва осонроқ ечимни таклиф этамиз. Сизга юбориладиган СМС-хабарларини үчириш учун:

- алоқа хизмати кўрсатадиган операторга қўнғироқ қилинг ва барча СМС жүннатмаларидан обуналиктини бекор қилишни сўранг;
- Сизни СМС юборганларнинг маълумотлар базасидан олиб ташлашингизни сўранг;
- Кора рўйхат дастурини ўрнатинг ва Сизни безовта қилаётган рақамни ушбу рўйхатга киритиб қўйинг.

Қонунчиликга юзланадиган бўлсак, Реклама тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасига асосан телекс ва факсимил алоқа ёрдамида реклама қилишга, агар олувчининг маҳсус сўрови бўлмаса, бир манзилга бир варакдан ортиқ бўлмаган ҳажмда бир марта жўнатишга йўл қўйилади. Демак, ушбу модда асосида рекламаларни олувчининг рухсатисиз бир мартадан ортиқ жўнатилиши тақиқланади.

Агар сизнинг телефонингизга рекламалар доимий равища ва маҳсус сўровсиз жўнатилса, фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мүмкін. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 22-моддасига асосан сиз маънавий зарарни қоплашни талаб қилишингиз мүмкін. Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ микдорини суд белгилайди. Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади. Ушбу қонуннинг 29-моддасига кўра истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим етилади. Шундай қилиб, юқоридаги қонунларни бузганлик учун судга мурожаат қилган ҳолда етказилган маънавий зарарни қоплаб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эгасиз.

**96-савол. Ҳарбий хизматга борувчилар учун шартнома пулини маҳалла томонидан тўлаб берилиши
Қандай ҳолатларда ҳарбий хизматга борувчилар учун шартнома пулини маҳалла томонидан тўлаб берилади?**

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чакируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган микдорда пул бадалларини тўлаши ва хизмат даврида бир марта бир ойлик ҳарбий йиғинда хизматни ўташи сафарбарлик чакируви резервиде хизмат қилиш шарти ҳисобланади. Сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар томонидан пул бадаллари тўлаш хизматга олингандан кейин бир йил мобайнида тўланади.

Томонларнинг келишувига кўра тўлов шартномада белгиланган муддат мобайнида тўлиқ ҳажмда бир йўла ёхуд босқичма-босқич амалга оширилиши мүмкін. Пул бадали тўланганлиги тўғрисида Халқ банки филиалининг белгиси қўйилган квитанция нусхасини (агар бадал нақд пулсиз ўтказиш йўли билан тўланса электрон тўлов кўчирмаси) сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олинган шахс уни шахсий ҳисобга қўйиш учун туман (шахар) мудофаа ишлари бўлимига тақдим этади. Квитанция мудофаа ишлари бўлимида имзоланган шартномада илова сифатида сақланади. Ушбу пул бадалини тўлаш маҳалладан томонидан амалга ошириб берилмайди.

Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарга ёрдам кўрсатиш учун муҳтоҷларга маълумот киритиладиган “темир дафтар” рўйхати тузилди. Рўйхат маҳалла қўмиталари раислари сектор мудирлари билан биргаликда тузилади. “Темир дафтар” ни юритишда муҳтоҷ оиласарнинг бешта тоифаси белгиланди:

- ногирон ва сурункали касал бўлган оила аъзоларининг мавжудлиги;
- ёлғиз қариялар, бева ва кам таъминланганлар, парваришига муҳтоҷ одамлардан иборат оиласар;
- беш ва ундан ортиқ болали оиласар;
- карантин чоралари натижасида ишидан ва даромад манбаларидан маҳрум бўлган фуқаролар, шу жумладан қайтиб келган мигрантлар;
- моддий ёрдамга муҳтоҷ бўлган қашшоқлик даражасидан паст бўлган оиласар.

97- савол. Жамоат транспортида олдиндан ҳақ олиш

Жамоат транспортида манзилга етиб бормасдан туриб ҳақ талаб қилишлари мумкинми?

Жавоб: Автомобил транспортида йўловчилар ва багажни ташиш Қоидаларига кўра, мунтазам йўловчилар ташиш йўналишларидаги автотранспорт воситаларида юришда йўловчи йўл чиптаси сотиб олиши, уни бутун йўлда юриш вақти давомида сақлаши ва уни назоратчининг биринчи талабига кўра кўрсатиши шарт. Ушбу нормага биноан, жамоат транспортидан фойдаланишгиз захоти чипта сотиб олишингиз талаб этилади. Йўналишдаги автотранспорт воситаси носоз бўлган тақдирда йўловчиларга берилган йўлда юриш ҳужжатлари айнан шу йўналишдаги бошқа автотранспорт воситасида юриш учун ҳақиқий ҳисобланади.

98-савол. Маъмурий баённома билан ҳуқуқбузар таништирилмаслиги

Ассалому алейкум. Менга нисбатан ЙПХ инспектори томонидан мамурий баённома расмийлаштирилди 54-моддага асосан менга баённома билан танишиши учун баённомани беришмади гаи ходим 54-моддага асосан баённома расмийлаштириши тўғрими?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 23-мартдаги 176-сон “Коронавирус инфексияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддасига мувофиқ эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилади. Бундай ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома тузилади.

Сиз ўзингиз содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътиroz билдириласангиз ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан ошмаса, маъмурий баённома тузилмайди.

Аммо Сиз содир этган ҳуқуқбузарлик учун эътиroz билдирган бўлсангиз, бундай ҳолда маъмурий баённома тузилади, чунки Сиз содир этган ҳуқуқбузарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддасининг биринчи қисмига кўра базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда, икkinchi қисмига кўра эса базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача жаримага тортишга сабаб бўлади, бу эса БҲМ нинг иккidan бир қисмидан кўп миқдордир. Лекин маъмурий баённома тузилган вақтда Сизга Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва бурчларингиз тушунтирилиши ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилиши лозим. Ушбу ҳуқуқ ва бурчларингизга иш материаллари билан танишиб чиқиш киради, демак, Сизда баённома билан танишиб чиқиш ҳуқуқингиз мавжуд. Шунингдек, баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлисиз.

99-савол. Ҳукуқшуноснинг юридик клиника очиши

Диплом бўйича мутахассислигим Ҳукуқшунос. Мен юридик клиника очиб, фуқароларга юридик маслаҳатлар бероламанми?

Жавоб: Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисида Низомга кўра, Юридик маслаҳатчилар ташкилоти акциядорлик жамиятидан ташқари, исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Юридик маслаҳатчилар ташкилоти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Юридик маслаҳатчилар ташкилотларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишнинг мажбурий шарти штатда камида битта юридик маслаҳатчи бўлиши ҳисобланади. Агар штатда фақат битта юридик маслаҳатчи бўлса, у ҳолда у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозим. Юридик маслаҳатчилар ташкилотида юридик маслаҳатчи штати биттадан ортиқ бўлган тақдирда, ушбу ташкилотнинг юридик маслаҳатчилари умумий сонининг камида 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши шарт. Ушбу Низомга кўра юридик маслаҳатчи – олий юридик маълумотга ва юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган ва юридик маслаҳатчилар ташкилоти штатида турган жисмоний шахс ҳисобланади.

Демак, юқоридагилардан хulosса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳукуқшунослик дипломига эга бўлган шахс исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги (акциядорлик жамиятидан ташқари) Юридик маслаҳат ташкилотини очиши мумкин. Қонунчиликда бу тақиқланмаган. Аммо, у бу ташкилотда юридик маслаҳатчи сифатида фаолият олиб боролмайди. Чунки, Низомга кўра, олий юридик маълумотга ва юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган ва юридик маслаҳатчилар ташкилоти штатида турган жисмоний шахс юридик маслаҳатчи ҳисобланади.

100-савол. Солиқ органлари томонидан банк ҳисобварағини музлатиб қўйиш

Мен тадбиркорман, кеча солиқ инспекцияси ходими келиб, солиқдан қарздорлигимиз сабабли банк ҳисобварағимизни тўхтатиб қўйилишини айтди. Шунақа бўлиши мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”ги йўриқномага асосан, асосий ҳисобварақ бўйича операциялар фақат ҳисобварақ эгасининг фармойишига кўра ёки ҳисобварақдаги пул маблағлари терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд суд ажримига кўра хатланганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолда, пул маблағлари фақат қарор ёки ажримда кўрсатилган суммага хатланади. Тадбиркорлик фаолияти субектларининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, қонунда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар фақат чиқим қисмида тўхтатилади.

